O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 11 август | 25 (155)-сон

ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

1900 йилларда тоғам ёзги ишлардан бўшагач, Абулқосим мадрасасида таҳсил кўрарди. Баъзан бирон сабаб билан хотиралари тўлқинлаб қолганда, ҳикоя қилиб ўтирарди.

— Қишнинг аёзли тунлари. Мадрасанинг кичкина ҳужрасида чироғ ёруғида то азонгача юртимизнинг тақдири, миллий истиқлол, халқимизнинг аҳволи ҳақида баҳслашамиз.

Истибдод аламидан оғриган қалбларга малҳам орзулар истаб, нажот излаб хаёллар оғушида тентираймиз.

Хаёл бошқа ҳаёт бошқа экан. Минг афсус, аср аввалларида мустақилликка чиқиш имкони туғилганда ҳам, Туркистон аҳли ижтимоий ноаҳллик, нодонлик ва жаҳолатда ўзини, ўзлигини тўлиқ англай олмади. Ўз сарҳадларини ўз муштида жамлашга қурби етмади. Орзу ўлмадию, лекин орзу йўлидаги амаллар қумдек бармоқлар орасидан оқиб кетди...

Тоғам афсус-надомат чекарди. Лекин афсус чекиб, оҳ уриб ўтирган билан нимани тузатиб бўларди.

Шу сўзларни бот-бот эслайман. Қанчадан-қанча имкониятларни ўтмишда бой берганлигимиз ҳақида ўйлайман.

Имкониятларни бой бериш эса тахту бахтни, тақдирни бой бериш билан баробар эканлигини ҳозирги кунларда аниқ ҳис этаман. Истиқлол ва ҳақиқий миллий озодликка бепарво, бефарқ одамларни кўрсам, ўзини англамаслик, билмаслик фожиасини аниқ ҳис этаман. Мунаввар қориларни зикр қилганларида титраб кетаман. Босқинчилар ваҳшатига маърифати, адаби, илмини қалқон қилиб кўтарган шундай собит қадам сиймолар халқимиз орасидан етишиб чиққанлиги истиқлол иши енгилмас эканлигининг далолати деб англайман.

Мустақилликни англашнинг ўзи етмайди, уни кўтарадиган маънавий, маданий, илмий қувват керак. Тараққиёт йўлини англаш, жонга сингдириш ва уни ҳаётга тадбиқ қиладиган одамлар ён атрофимизда, сафларимизни тўлдириб турса деймиз. Тараққиёт учун жон куйдирган Мунаввар қори қанчалар авлиё бўлганлиги — ҳақ бўлганлигини энди англяяпмиз. Лекин барибир айрим ҳолларда ҳамон авомлигимизга борамиз. Жамиятдаги нозик, кўз илғамас ақл ила теран идрок қиладиган жараёнларга лоқайдмиз.

Ҳолбуки, биз яшаётган бу сарҳадларда ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборган нене мўъжизалар рўй бермаяпти? Шу мўъжизаларни мўъжиза деб англаяпмизми? Етиб келяптими у мўъжизалар бизга?

Мустақиллик учун кураш бугун-эрта тугамайди. У бутун умр давом этади. Биздан наслларга мерос бўлиб қолади.

Мустақилликнинг масъулиятини ҳамма ҳам бирдай кўтаришга қодир эмаслигини кўриб турибмиз. Тобеликда кун кечиришга, қарамлик оҳуридан бош кўтармасликка ўрганиб қолганлар, шуни ёмон одат қилганлар қанча! Лекин улар ҳам ватандошларимиз, ёмон деб уларни кўракларидан итариб, четга суриб ташлай олмаймиз. Мақсад уларни сафга турғазиш! Бу эҳтимол энг оғир, аммо энг шарафли иш!

Самарали йўллар, самарали ғоялар ҳаётимизнинг мазмунини белгилаяпти. Кечаги кунларга назар ташлайлик. Баҳириб-чақириб, низо-сурон кўтариб, ҳар кимдан минг айб қидириб, оламга достон қилиб юрмадик. Жамиятнинг бир қисмини бошқа қисмига ёв қилиб, ола кўрсатмадик. Душман қидирмадик. Аввал тавба қилайлик, кейин савоб ишга қўл урайлик, деб бачкана ишларга берилиб ўтирмадик. Юртбоши сезгирлик билан жамиятни — жамият қилди, халқнинг бошини қовуштирди. Ҳамжиҳатлик — улуғ ва доим самара берувчи неъмат, фалсафа, ғоя эканлигини ҳар қадамда исботлади. Мустақилликни алахсираш ва довдирашлардан, турли найранг, хуружлардан ҳимоя қилди. Мана шуни йўл дейдилар. Мана шуни ҳаёт ва ғоя дейдилар.

Бозор ва демократиянинг чамбарчас боғланиб кетгани — тараққиёт эшикларини очди. Халқ шуларни ўзлаштириш билан кучли бўлади. Биласиз: давлат ҳам, табиат ҳам ожизликни кўтармайди. Садақа сўраганни ва садақага яшаганни ҳеч ким ҳурмат қилмайди. Шунинг учун юртбоши бизга кўмак эмас, ҳамкор керак деб чиқди. Бу — йўл, бу — самара эмасми!

Бизнинг қудратимиз ғуруримизда. Бу — уйғонган ҳиссиёт мустақилликнинг яна бир мўъжизаси! Бизга садақа берадиган, савобга инъом қиладиганлар керак эмас. Аллоҳга шукур, Ватанимиз бор. Дашти бепоён бўлса, уни гулистонга айлантирадиган халқи бор.

Ҳукмдор қонун. Давлат бозор иқтисоди ва демократияни қонунлар билан мустаҳкамлаб, қанот бериб, тараққиёт парвозларига кўтарилди. Мустақилликнинг ана шу мўъжизалари билан асрлар давомида орзу қилган фаровон ҳаётга етишамиз. Ўзбек турмушининг баракоти бардавом бўлажак!

Бу башорат эмас, балки ҳақиқат. Мустақилликни мен Ватан, халқ, инсон манфаати учун ҳур фикрлаш дегим келади. Энди ҳар бир инсон мустақил фикрлаш қобилиятини намоён этсин. Мустақил фикрлаш жамиятда одатга кирмаган эди. Энди ким бўлмасин, мустақил фикрламас экан, у билингки, эркин эмас. Эркин бўлмаган кишининг ватан сафига кириши қийин.

Ҳаётдан мисол олайлик. Яхши хислатлар, ютуқлар кўп. Аммо, келинг, сўзимизни адолат тарозисига солайлик.

Чет элда 100 центнердан ортиқ дон ҳосили олаётганлар бор. Биз етмиш олганни ҳозир қаҳрамон санаймиз. Қандини урсин. Лекин йигирма-ўттизданн олаётганлар қанча! Давлатда «қайнархумча», «очил дастурхон», «ур, тўқмоқ» йўқ! Нимани орзу қилмайлик, бари меҳнатимиз билан оламга келади. Биз ўн сўмлик иш қилиб, яшашимиз учун юз сўм талаб қилсак, давлат қаердан олади?! Давлат ғойибдан олиб бермайди. Аччиқ ва ҳаққоний ҳақиқат шуки, биздан олганни адолат ва сиёсат ила тақсим қилади.

Мустақиллик сиёсатида иқтисодий фикрлашдан кейин савод ва онг туғилади. Платон айтганидек, «математика — худо». Худонинг мўъжизаси эса, ақл бовар қилмайдиган даражада баракотли бўлади. Ўнлаб, юзлаб мисолларни ўзингиз биласиз. Кеча ариқнинг лабига уч минг терак ниҳоли экканн одам бугун сарой қуришга етарли ёғоч эгаси бўлиб турибди. Уч сотих ерда катта хонадоннинг ризқини ундирмоқда. Минг гектар ери бўлганлар эса қарз сўраб юради, бисёр баҳоналар қилади.

Ўйла, фикрла, таклиф қил, кураш; мансаб учун эмас, ҳаёт учун кураш.

Зарурият жаҳонни яратади.

Мустақиллик бу қотиб қолган назарияларни баён қилиш эмас, бу — ҳаёт каби серқирра ва сержило, беҳад ва беҳудуд олам. У халқ ва одамлар саъйи ҳаракати билан фазлу камол топади.

Акбар ЮНУСОВ



Рудалар олтинга айланади — **ЎзА суратхонаси**

НАЙРОБИ ВА ДОРУССАЛОМДАГИ ПОРТЛАШЛАР

Ўтган жума куни Шарқий Африкада жойлашган Кения ва Танзания пойтахтларида Америка элчихонаси олдида рўй берган мудҳиш портлашлар оқибатида 210 киши ҳалок бўлди. 5 мингга яқин одам оғир тан жароҳати олди. Якшанба куни Найробидаги Америка элчихонаси Бош консули Жулиан Бартлининг жасади топилди. Шунгача уни бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда эди. Ўлганлар орасида Бош консулнинг университетда таҳсил олаётган ўғли ҳам бор.

Енгил автомашиналарга ким жуда кучли бомбалар қўйиб портлатаётгани ҳали аниқ эмас. Исроил Хуфя хизматлари бунинг тепасида «Ислом экстремистлари» турганлигини айтмоқдалар. Жаҳон ахборот манбаларининг хабар беришларича, «Ислом муқаддасликларини озод қилиш қўшини» деб ўзини номлаган ташкилот Кения ва Танзанияда Америка элчихоналарига қарши уюштирилган уқубати оғир портлашларни ўз устига олган. 7 августда илгари ҳеч кимга маълум бўлмаган бу ташкилот яқин Шарқдаги бир қанча оммавий ахборот воситаларига баёнотлар жўнатган.

Буюк Британия разведка доираларида бу жиноят Саудия Арабистони фуқаролигидан маҳрум этилган 44 ёшли ўта фанатизмга берилган Усома бен Ладен амалга оширган бўлса керак, деб тахмин қилмоқдалар. 1946 йилда НЮ-Йоркдаги жаҳон тижорат маркази ва Дхаран шаҳрида ҳам шундай мудҳиш портлаш уюштиришга бош қўшган. У ўзича Америка ҳукуматидан ўч олишни олдига мақсад қилиб қўйган, ҳатто жиҳод ҳам эълон этган.

МОСКВА ҚАРЗДАН КЕЧДИ

ҲАБАШИСТОН МОЛИЯ вазирининг маълум қилишича, Москва Собиқ Совет Иттифоқи замонида Ҳабашистонга берилган 5 миллиард доллар қарзнинг 90 фоизидан воз кечган. Бу маблағ ўз вақтида миллий озодлик ҳаракатини бўғиш, жамиятни демократлаштириш ва бозор иқтисоди ислоҳотлари учун курашган кучларни йўқотиш учун ишлатилган.

Тирик сиймолар

«БАХТИМ ШУ – ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН»

Ўз даврида ва даврлар оша халқнинг мавқеини, улуғ юкини номида, фаолиятида кўтариб юрадиган ҳар бир юртнинг ўз фарзандлари бор. Исми халқ билан бирга айтиладиган шундай улуғлардан бири Зулфияхоним эди. У эл хотирасида нафақат руҳан, балки ҳали ҳамон айни замондошлар ёдида жисман ҳам ҳамнафасдай бетакрор сиймо, унинг ёди умримизнинг бокира манзиллари — ҳаётимизнинг ёндоши бўлиб турибди.

Шу йил 7 август куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида улкан жамоат арбоби, Ўзбекистон Халқ шоираси Зулфияга бағишланган «Хотира соатлари» йиғини бўлиб ўтди. Уни шоир Йўлдош Сулаймон кириш сўзи билан очар экан, Зулфияхонимни бутун ўзбек халқининг мўътабар онаси деб таърифлади. «Хотира соатлари»ни «Саодат» журналининг Бош муҳаррири Ўзбекистон Халқ шоираси Ойдин Ҳожиева олиб борди. У устозини илиқ сўзлар билан ёдлади: «Зулфияхоним ҳамиша элни бирлаштирган, шоирларни ўзига оҳанграбодай торта олган, ўз замонида ва замонлар оша катта шаҳс даражасига кўтарилган инсондир».

Шу куни қалб китоблари варақланиб, кўпчилик томонидан айтилган ёрқин ёдномалар, шоира ижодидан ўқилган шеърлар ушбу хотира соатларини чароғон этди. Унда сўзга чиққан таниқли адиблар Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон, Тўлапберган Қаипберганов, Иброҳим Ғафуров, Шоҳида Шохимардонова, Жуманиёз Жабборов, Қутлибека Раҳимбоева, Шарифа Салимова, Ҳулкар Олимжонова, Дилбар Саидова, Дилбар Бону, Муҳтарама Улуғова Зулфия ҳақидаги ёрқин хотиралари билан ўртоқлашдилар.

«Хотира соатлари»да гўзал истеъдодли, қуйчи санъаткор Насибахон Сатторова мумтоз қўшиқлари билан йиғин файзига файз қўшди.

Ҳа, чиндан ҳам, Зулфияхоним шеърияти кишини ўзига-кўнглига келтирувчи, туйғулантирувчи илоҳий ҳилқат. Тоза инсонларнинг тоза хотираси ҳамиша шуурларни, фикрларимизни покизалаб туради. Бундай инсонларни эсламоқдан, ўрганмоқдан биз фақат юксалиш оламиз.

Ўз мухбиримиз

Қарши болалари — **ЎзА суратхонаси**

ЙЎЛБАРС НИМАДАН ҚЎРҚАДИ?

Бувимнинг кўзларига илҳақ тикилардим. Сўзларига илҳақ эдим.

Ҳеч кимдан эшитмаган сўзларни тинглардим бувимдан. «Айтиб беринг, айтиб беринг», деб ҳол-жонига қўймасдим. Болаликнинг ўйинқароқлиги — чўлда юрган кишининг ташналигидай, ҳеч қонмайди, доим янги таассуротларга интилади.

— Йўлбарс нимадан қўрқади? — сўрайман бувимдан, бир эртак орасидан йўлбарс чиққанлигини билиб.

Бувим эринмай ҳикоя қилади:

— Унинг қўрқадиган нарсаси жуда кичкина, қилдек, шунча кучи бўла туриб ҳеч илож қилолмайди. Йўлбарс ҳар ўн икки йилда бир марта болалайди. Лекин нечтани туғса ҳам, фақат биттасини кало (катта) қилади холос, униям оғзида кўтариб боқади, ухлаганда эса шу ёлғизини яғринида қўйиб ухлайди. Йўлбарс олдин болаларини инма-ин кўчириб юради, чунки қаерга қўймасин, дарров чумоли босади, йўлбарсчалар бирин-кетин бу офат дастидан нобуд бўладилар, бирини кўчиргунча, қолганларини чумоли олиб кўяверади. Энг сўнггиси қолгач, она йўлбарс қаттиқ қайғуга тушади, уни ҳеч бир инга, еру кўкка ишонмайди. Бола ўстириш йўлбарсга осон эмас.

Табиат минг бир ҳилқатини, мўъжизавий кучини намойиш қилиш учун битганми бу қонунни. Ёхуд инсон зотини кибру ҳаводан қайтариш ниятидами, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашнинг аксидир балки, ўзи улуғлашолмас, нияти тор кишиларнинг ўзгани ўзишга қўймаслик, улғайтирмаслик учун тиришишларига ишорадир. Ниҳоят, эҳтимол оддий бир нафс...

Она йўлбарснинг ҳатти-ҳаракати фақат оналик меҳрими, ёхуд у ҳам авлод давомийлигини шунчалар ҳис қиладими, ўйлайман энди, чумолилар галаси билан олишганмиди бир пайтлардаги Қорақум йўлбарслари, уларни ким енгди. Бувим айтган, авлод давомийлигини шунчалар ҳис қилган йўлбарслар... Бугун қайда? Ҳар ҳолда, бунга чумоли айбдор эмасга ўхшайди. Асрлар бўйи уларнинг авлод халқасини чумолилар узиб юборолмаган. Менинг эса «Йўлбарсларни кўп кўриб» ўсган, қатъий, теран нигоҳли бувимга ҳавасим келаверарди...

УЗРО

ЯДРО ҚУРОЛИ ВА БИТТА ЧУМОЛИ

Шу бугунгача дунё олимлари томонидан кашф қилиниб (миллионлаган маблағлар сарфланиб) энди оламга сиғмай пўлат сандиқларда таҳдид қилиб ётган турли хилдаги ядро қуролларининг кучи ер юзидаги ҳаётни етти марта бутунлай сўндиришга, демакки, етти бор қиёматни келтиришга етади. Ер шарини ўз ўқи атрофидан шу айтилган сон қадар бемалол чиқариб юбора олади. Ҳали бу дунё эътирофидаги бор маълумот, яна ким билади дейсиз, бинобарин, бу эътирофдан кейин яқинда Ҳиндистон ва Покистонда ер ости ядро синовлари ўтказилди, изланишлар, кашфиётлар давом этаётганига шубҳа йўқ. Еттими-етмишми, аслида дунёга бир марталик қиёматнинг ўзи кифоя, зеро, инсон зотига, жамики жонзотларга берилган ҳаёт ҳам бир марталик ўлим билан ниҳояланади. Ажабо, биз ҳамма нарсани, ажални ҳам тажриба қилиб кўраверамиз, афсуски, ҳамма нарса қаторига шу ажални ҳам киритиб қўйганмиз. Илло, одам боласи бузиб қўйган нарсасини тузатиши, қуриши, ясаши, экиб ўстириши мумкин, бироқ ўлдирганини қайта тирилтиролмайди. Барибир ажалнинг ҳам турли усулларини ўйлаш, излаб топишдан чарчамайдиганлар ҳам бор. «Энг оғир ўлим» кашфиётлари йўқ эмас. Дейлик, бу оддий сувни киши танасининг маълум қисмидаги белгиланган бир нуқтага узлуксиз маромда томчилатишдан юзага келади — «Эврика» қилди япон олимлари яқин йилларда, Тангри бир томчи сувдан бунёд этади одамзод танасини, фан текширувларидан бу энди исбот талаб қилинмайдиган жумлага айланган, оят келтириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, дейдилар. Ер шарининг ўз ўқи атрофидан шу айтилган сон қадар бемалол чиқариб юбора олади. Ҳали бу дунё эътирофидаги бор маълумот, яна ким билади дейсиз, бинобарин, бу эътирофдан кейин яқинда Ҳиндистон ва Покистонда ер ости ядро синовлари ўтказилди, изланишлар, кашфиётлар давом этаётганига шубҳа йўқ. Еттими-етмишми, аслида дунёга бир марталик қиёматнинг ўзи кифоя, зеро, инсон зотига, жамики жонзотларга берилган ҳаёт ҳам бир марталик ўлим билан ниҳояланади. Ажабо, биз ҳамма нарсани, ажални ҳам тажриба қилиб кўраверамиз, афсуски, ҳамма нарса қаторига шу ажални ҳам киритиб қўйганмиз. Илло, одам боласи бузиб қўйган нарсасини тузатиши, қуриши, ясаши, экиб ўстириши мумкин, бироқ ўлдирганини қайта тирилтиролмайди. Барибир ажалнинг ҳам турли усулларини ўйлаш, излаб топишдан чарчамайдиганлар ҳам бор. «Энг оғир ўлим» кашфиётлари йўқ эмас. Дейлик, бу оддий сувни киши яшашга вақти қолмаётгандай, сирасини айтганда, шундай ҳам. Шу маънода маймунларнинг хизматидан фойдаланиш қадимда бор нарса эди, ёки мушукка болани алдатиб қўйиш ҳам синалган усул. Гарчи жиноят йўли билан амалга оширилса-да манқуртлар ҳақидаги афсоналар бежиз эмас, замонавий табобат йўли билан одамларни манқуртларга айлантиришга бўлган уринишлар ҳақида озмунча кинофилмлар яратилганми. Яшашни қизил меҳнатда деб билгувчилар замони ўтиб кетди. Тўғри, бу меҳнатни бутунлай инкор қилиш эмас, балки меҳнатнинг фарқига боришни билиш, меҳнатни, уни бажарувчисини емиришга эмас, тиклашга хизмат қилдиришга эришиш талаби, манфаат рилган ҳикматомуз хулоса — одамнинг қилмайдиган иши йўқ. Наҳотки шундай бўлса, инсоният тафаккур ўсишлари, илмий интилишлари билан роботларни компютер (билгич)ларни яратди. Одамзот ҳамиша яшаш учун қулайлик қидиради, вақтини — умрини тежайди. Чунки ортиқча меҳнат кундалик майда-чуйда ишлар билан шуғулланаверса, талаби. Қолаверса, 24 соатнинг 20 соатини қора меҳнат деб қабул қилмаслик, яшашга вақт қолдириш, «ишла» деб, ўзи ишламасларга алданмаслик.

Ҳар қандай кашфиётнинг заминида ана шу яшаш енгиллигига интилиш, хоҳ ижобий, хоҳ салбий, қайси маънода бўлмасин, қулайликка эришиш истаги ётади. Лекин бунинг учун танланилган йўлнинг оқибати ҳамиша кутилган натижани беравермайди, яшашга интилиб аксинча, ҳалокат ёқасига келиб қолиш мумкин, кашфиёт доирасига қараб у нафақат ўзига, балки бутун инсониятга дахл қилиши тайин.

Тангри одам боласига кўп неъматлар инъом қилди, имкониятларни атади, булардан тўғри ва оқилона фойдаланиб, у гўзал ҳаёт кечирса, аввалдан яралган ва ўзи кашф қилган мўъжизаларга ҳайратланиб, умрига умр қўшилиб яшайверса бўлади. Аммо одамзод ўз кучига ҳаддан ташқари эрк бериб, дунёни мувозанатдан чиқариш қувватига эга бўлган қурилмаларни кашф қилди, бу худди, таъбир жоиз бўлса, гарчи кулгули туюлса-да, ўзи ўтирган дарахт шохини дарахтнинг танаси тарафдан кесиш ҳолатига ўхшайди.

Ҳаводами, коинотдами, ердами, кетмакет синалаётган ядро қуроллари, уруш ўчоқларида ҳаракатланаётган бошқа ҳарбий қуроллар об-ҳавога, иқлимга, демакки, ризқ-насибамиз, соғлиғимизга ҳали ҳам анча таъсир қилиб улгурди.

Хўш, биз тирикликни йўқ қилиш кашфиётларига эга эканмиз, бу бизнинг том маънодаги кучимизми? «Қиёмат»ни фақат бир тарафига устамон бўлиб қолмаяпмизми, ахир Тангрининг кунида қайта тирилиш мўъжизаси ҳам ёнма-ёндир. Қайси кашфиёт, қай бир қудратимиз ҳеч бўлмаса битта чумолига жон ато қила олади?!

Ҳеч қаерга сиғмайди биз яратган бу «қиёмат» ускуналари, ҳамиша бир томонимизда, билсак-билмасак таҳдид солиб туради. Тангри билан талашиб ўтирмасдан, яъни бир чумолини яратиб, уни жонли мавжудотга айлантиришга уринмасдан, дунё олимлари энди ана шу ядро қуролларини бутунлай зарарсизлантириш, битта чумолига ҳам кучи етмайдиган даражага тушириб қўйиш ҳақида бош қотирсалар, оламни таҳдиддан тозаласалар, эҳтимол бунинг имкони бордир. Фақат шу эҳтимолга умид қилиш мумкин, холос. Зеро, яратганнинг бизга берган имкониятлари буни тақозо қилади.

Дилором ҚЎЗИЖОН

МАЪЛУМОТ ВА ХАБАРНИНГ ҚИММАТИ

Ғарб ва айниқса, АҚШда маълумот ҳамда хабар кези келса, жуда баланд қиммат билан баҳоланади. Ким кўпроқ маълумотга эга ва ким кўпроқ ҳабардор бўлса, куч ўшанда, ҳукм ҳам, фойда ҳам ўшанда деб тушунилади. Шунинг учун билган одамлар керакли маълумотга эга бўлиш учун пул — маблағни асло аямайдилар.

Яқинда Америка вице-президенти Алберт Гор Президент Клинтон билан яқин ҳамкорликда хусусий — шахсий тарздаги маълумотларни муҳофаза қилиш ҳамда болалардан «гапларни билиб олиш», улардан «гап ундириш»га қарши ҳимоя чораларини кўриш юзасидан қатор таклифлар киритдилар. Улар электрон алоқа воситалари эгалари томонидан хусусан, Интернат тармоғи орқали кишиларнинг шахсий розилигини олмай туриб, айтайлик, фуқаронинг сиҳат-саломатлиги ёки молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни ошкора қилишга қарши чора-тадбирларни кўзда тутади. Болалардан уларнинг ота-оналари бехабар ҳолда «гап ўғирлаш» (ахир болалар соддалик қилиб, ўз оилаларига тегишли турли сирларни самимий айтиб қўйишлари мумкин), бошқа кишиларнинг номлари, ижтимоий аҳволларидан турли жиноятқорона ишлар қилиш учун қаллобларча фойдаланиш, (чунончи, кредит карточкалардан) ҳаётда тез-тез юз бериб турадиган шумликлар қаторига киради. Бундай алдам-қалдам ишлардан гоҳо фуқаролар жуда катта иқтисодий, ахлоқий, инсоний зарар кўрадилар. Кимлардир эса уларнинг зарар кўриши, талофот топиши, ишининг касод ва касратга учрашидан фойда оладилар, ўз аҳволларини яхшилайдилар, фаровонликларини барқарор сақлаб турадилар.

Алберт Гор Оқ уйда бу борада ҳукумат дарҳол белгилаши керак бўлган чоралар ҳақида сўзларкан, шундай деди:

— Сиз ҳақингиздаги хусусий маълумотни ошкора қилиш ё қилмаслик фақат сизнинг ихтиёрингизга боғлиқ бўлиши керак. Сиз бир маълумот қаерда, қачон, қандай ҳажмда фойдаланишини билишга ҳақлисиз; сиз бу маълумот қанчалар тўғри эканлигини шахсан текширишга ҳақли бўлмоғингиз зарур».

Хусусий-шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги Америкача турмуш қадриятларининг асос-асосидир, дейди Гор. Шунинг учун ҳам хусусий дахлсизлик ҳамиша қатъият билан муҳофаза қилинмоғи шарт. Янги электрон технологиялар шиддат билан равнақ топиб бораётган даврда «Электрон ҳақ-ҳуқуқлар тўғрисида» қонун зарурати тобора аён бўлмоқда.

Хусусий маълумотларни ошкор этишдан муҳофазалаш тўрт жиҳатни қамраб олади:

— Ошкора қилиниши керак бўлмаган хусусий, шахсий маълумот муҳофазаси;

— бошқа одамларнинг номлари ва шахсига тегишли нарсалардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга қарши муҳофаза;

— болаларни алдаб «гап ўғирлаш»дан муҳофаза;

— шахс медицинасига доир маълумотлар муҳофазаси.

Маъмурият, барча хусусий соҳалар ҳамда муассасалар шахсга дахлдор айрича маълумотлар, хабарларни сақлаш, муҳофаза этишда мамлакат сиёсатини бир-бирларига мувофиқлаштирган ҳолда олиб борадилар.

ОСИЁ ИҚТИСОДИЙ ТАНАЗЗУЛДАН ЧИҚАДИМИ?

Осиё мамлакатлари — Янги Зеландия, Малайзия, Индонезия, Япония, Хитой, Корея, Ветнам, Таиланд сингари мамлакатларни баҳордан бери қамраб олган иқтисодий таназзул дунё иқтисодининг ривожига жуда кучли таъсир кўрсатмоқда. Дунё мамлакатлари, қитъаларининг иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланганлиги жаҳоннинг бир ерида ёки бир гуруҳ мамлакатларида юз берган бўхрон яшин тезлигида бошқа, ҳатто жуда узоқда турган мамлакатларни ҳам титроққа солмоқда.

АҚШдек жуда қудратли давлатнинг ўзини олайлик. Кейинги беш йил ичида АҚШ иқтисодий тараққиёти умумий ҳажмининг чорак бўлагидан кўпроқ қисми экспорт билан чамбарчас алоқадор. Шуни назарда тутиб, жаноб Клинтон яқинда сўзлаган нутқлардан бирида АҚШ иқтисодининг соғломлиги Осиё мамлакатлари иқтисодининг соғломлигига чамбарчас боғлиқ, деб айтди. У дон маҳсулотларини мисол қилиб келтирди. Америкада етиштириладиган ғалланинг қоқ ярми хорижий мамлакатларга чиқарилади. Шунинг қарийб 40 фоизи Осиёга етказиб берилади. Осиёдаги таназзул туфайли бу мамлакатларнинг Америкадан оладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нақ 30 фоизга бирдан камайиб кетди. Бу албатта, ўз навбатида Американинг қишлоқ хўжалигида оғир тангликни келтириб чиқаради.

Америка шу маънода жуда катта ташвишга тушиб, Осиё мамлакатлари молия тизимларини мустаҳкамлаш, таназзулдан иложи борича озроқ талофотлар билан чиқишга зўр саъй-ҳаракатлар сарфламоқда. Бу борада айниқса, Осиё мамлакатлари орасида лидерлик вазифасини бажараётган Японияга катта умидлар боғламоқда. Япон халқининг иқтисодий тикланишлар, очиқ бозор, соғлом тараққиёт борасидаги ҳавас қилса арзийдиган салоҳиятига давом этаётган танглик ва бўхронларнинг шифобахш малҳами деб қаралмоқда.

Албатта, одил ва очиқ тижорат, мувофиқлашган бюджет, ижтимоий кафолат тизимлари, энг муҳими, юксак ихтисос ва касб таълими — бўхронларнинг энг яхши давосидир.

БУҲРОН ВА ЁШЛАР

Осиё бўхрони ёшларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Буни қарангки, 1996-1997 йилларда бўхрон энди уч бериб кела бошлаганда Америка олий ўқув даргоҳларида 37 минг корейс ёшлари таълим оларди. 1997 йилнинг кузи ва 1998 йилнинг баҳори орасида Америка университетларида таҳсил олаётган ёшлар сони кескин камайган. Шу даврда Америка университетларига Осиёдан келиб ўқишга кирувчилар сони ҳам анча-мунчага қисқарган. Баъзи университетларда қисқариш ҳатто ярим бараварга етиб боради. Буларнинг бари ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналарининг ўқиш учун пул жамғаришга қийналаётганликларини кўрсатади. Мана шундай қийин пайтда Америка ҳукумати чет элдан келиб ўқиётганларга ёрдам қўлини чўзди. Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Таиланд сингари мамлакатлардан келиб ўқиётган ёшларга ўқиб туриб ишлаш учун бир қатор қулайликлар туғдирди. Уларга ҳафтада 20 соат ишлашга ижозат этилиб, бунга қулайликлар яратилди. Шу билан бирга Американинг турли фондлари талаба ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча грантлар ажратмоқда. Ёшларнинг ўқишга пул тўлаш муддатларини кечиктирмоқда, маблағ билан ёрдам кўрсатмоқда.

Шуларга қарамай, нарсаларини сотиб, ўқишни ташлаб ўз мамлакатларига қайтаётган ёшлар сони кўпаймоқда. Улар қийин шароитда оилалари билан бирга бўлиб, ёрдам кўрсатишни афзал билишмоқда. Ҳа, танглик ҳолва эмас. Аммо у абадий ҳам эмас. Тараққиёт ўз изига тушади.

***

Вашингтон, 31 июл 1998 йил. Бугун Жаҳон банки Тожикистонга 50 миллион долларга баробар кредит бериш қарорини тасдиқлади. Бу кредит тўла равишда Тожикистон макроиқтисодида барқарорликни тиклаш, транспарент хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш, молия соҳаси, банк тизимлари, қайта қуриш сингари ички тизимларни тузатишга мақсадли тарзда сарфланади.

***

Вашингтон, 31 июл. Жаҳон банки Латвияга 10,5 миллион доллар ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Бу маблағ Латвия қишлоқ хўжалигини кўтариш, уни Европа Иттифоқи андозалари даражасига олиб чиқишга харажат қилинади. Латвия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга илгарироқ 25 миллион доллар ажратилган ва бу 1997 йил декабрга бориб муваффақият билан адо этилган эди.

Янги дарсликлар нима дейди?

ФАЛСАФАГА КОНСПЕКТ КЕРАКМИ?

Президентимиз И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида таълим тизими зарурияти ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: «Бу иш дарсликдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз: деярли барча соҳаларда дарсликларнинг аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас... Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан халос бўлмасдан иш кўриб бўлмайди». Бу эҳтиёжни англаб етган мутахассислар ўз соҳаси бўйича баҳоли қудрат дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаб, нашр қила бошладилар. Яқинда «Университет» нашриёти томонидан чоп этилган проф. Иномжон Раҳимовнинг «Фалсафа» ўқув қўлланмаси ана шулар жумласидандир.

Қўлланмани ўқир эканмиз, ҳозирги замон фалсафаси, борлиқ, билиш, қадриятлар, маънавият, шахс, эркинлик инсон каби масалаларни таҳлил қилишда янгича фикрлар, янгича услубларга асосланганлигини ва бунда ҳозирги замон фани ва фалсафасида, ижтимоий ҳаёт соҳаларида бўлган ўзгаришлар имконияти борича ҳисобга олинганлигини кўрамиз.

Маълумки, фалсафий тафаккур цивилизациясининг натижаси бўлиб, унинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган бўлса-да, айни вақтда у ўз тараққиёт босқичларига эга. Қўлланмада жаҳон фалсафаси тараққиётининг асосий босқичларига, булардаги устувор дунёқарашларга, шу билан бир қаторда диёримиздаги фалсафий фикрлар эволюциясига ҳам мустақил мавзулар асосида алоҳида эътибор берилган. Китобдаги бошқа мавзулар ҳам Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон фалсафий қадриятларига қўшган ҳиссасини кўрсатишга хизмат қилган.

Инсоният тарихидаги ҳар бир давр фалсафий масалаларни тадқиқ қилишда ўзига хос йўлни танлаб, ўз даври нуқтаи назаридан таҳлил қилиб келган. Фалсафий дунёқараш ва унинг пайдо бўлиши билан инсон маънавий ҳаётининг янги босқичига кўтарилдики, натижада дунёни ақл кўзи, донолик тамойиллари, тафаккур салоҳияти билан ўрганиш бошланди: Дунёни илмий тушинишнинг замини яратилди, унинг моҳияти тафаккур категориялари асосида таҳлил қилина бошланди. Муаллиф фалсафа тарихини баён этар экан, юқоридаги фикрларни асос қилиб олади, натижада фалсафа тарихида бир-бирига ўхшаган, ҳатто бир-бирига қарама-қарши қарашлар, концепциялар пайдо бўлсада, уларнинг ҳаммаси фалсафий тафаккурнинг ривожланишида бирор даражада хизмат қилганлиги маълум бўлади. Фалсафа тарихида инсониятнинг, миллий фалсафаси эса миллатнинг ўзлигини англаш босқичларидан иборат эканлигини кўрсатиш китобнинг тарихий қисмининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Китобнинг иккинчи қисми борлиқ мавзуси билан бошланади. Муаллиф бу тушунча доирасида файласуфлар доимо мунозара олиб борганликларини, ҳозир ҳам бу мунозара давом этаётганлигини уқтиради. Зеро, борлиқ тўғрисида фикр юритилганда тафаккур тараққиёти юксакликка етади, шундагина борлиқни англаш қудратига эга бўлади. Натижада борлиқ тўғрисида бир бутун таълимот (онтология) вужудга келади.

Илгариги қўлланмаларда келтирилган материя ва унинг мавжудлиги шакллари ҳақидаги умумий масалалардан воз кечиб, борлиқ муаммоси янгича услуб, янгича дунёқараш асосида баён этилади.

Борлиқ шакллари ҳақида гапирганда, табиат борлиғи, инсон борлиғи ва маънавий борлиқ категорияларига алоҳида эътибор берилади. Уларнинг ўзига хос томонлари ва ўзаро бирлиги ҳақидаги масалани кўрсатар экан, инсон борлиғининг маъноси, мазмуни ҳақидаги ҳозирги замон антропоцентризм назариясини асос қилиб олади.

Муаллиф маънавий борлиқ ҳақида ёзар экан, маънавиятгина одамдаги инсоний хислатларини намоён қилади, деб таъкидлайди. Инсоннинг ўзлигини англаш, билиш ҳақидаги масалага алоҳида эътибор беради. Чунки ўзлигини англаш ҳозирги кун инсоният эркинлиги, мустақиллигининг муҳим аҳамият касб этади. Бу бобни баён этишда истиқлол ва маънавий камолот масаласи ҳақида фалсафий мушоҳада юритади.

Инсон муаммоси ҳамма вақт фалсафанинг асосий масаласи бўлиб келган. Чунки, фалсафа инсоннинг дунёга, ўз-ўзига бўлган муносабати ҳақидаги таълимотдир. Бироқ цивилизациянинг турли босқичларида инсон муаммосига турлича қаралиб келинган. Агар қадимги фалсафада инсонга космоцентризм нуқтаи назаридан қаралган бўлса, ўрта асрларда теоцентризм масаласи билан боғлиқ ҳолда ўрганилган, янги даврда Европада инсон табиатини ўрганувчи, унга ҳукмронлик қилувчи сифатида қаралган, XX аср фалсафасида эса антропоцентризм муаммоси асосий ўринга чиқиб қолди. Фалсафада инсон ва энг юксак қадрият сифатида, унинг ўз-ўзини, ички дунёсини, ҳаётининг маъноси каби масалаларни чуқурроқ ўрганишга киришилди. Қўлланмада юқоридаги масалалар билан бир қаторда Республикамизда истиқлол мафкурасининг шаклланиши, бу мафкура янгича дунёқараш ҳамда инсонпарварликни ўзида мужассамлаштирган демократик принципларга асосланган эканлиги атрофлича таҳлил қилинади.

Билиш назарияси ҳақидаги бобда билишнинг фалсафий муаммосига алоҳида эътибор берилиб, унинг илмий билишдан фарқи кўрсатилади. Билишнинг тузилиши ва асосий босқичлари, билиш ва ҳақиқат масалалари таҳлил қилинганда ҳам янгича тафаккур, янгича тушунчалардан фойдаланилган. Бунда билишнинг объекти ва субъекти, ҳақиқат тўғрисидаги тушунчаларга янгича тавсиф берилган ва билишнинг диалектик йўли ягона йўл эмаслиги ҳақидаги ғоя илгари сурилган.

Китобда ҳозирги замон ижтимоий тараққиёт ва глобал муаммолар мавзусининг юритилишига ҳам янгича ёндашиш мавжуд. Ушбу мавзуни соҳадаги йирик мутахассислардан доцент С. Сангинов ёзган. китобнинг кўзга ташланадиган ижобий томонларидан бири шундаки, унда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг назарий-фалсафаси муаммолари кенг ёритилган. Бунда мустақил тараққиёт йўлининг фалсафий асоси, уни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, миллий истиқлол мафкураси каби масалалар Президентимиз И. Каримов асарлари, мақола ва нутқларида илгари сурилган ғояларга таянган ҳолда ёритиб берилган. Ушбу масалаларни ёритишда унинг фалсафий жиҳатига диққат қаратилган.

XX асрнинг иккинчи ярмида дунёнинг янгича манзараси пайдо бўлди ва натижада жамиятда кўп имкониятли, кўп моделли дунё тўғрисида тараққиёт назарияси вужудга келди. Бу эволюцион назария эди. Президентимиз майдонга ташлаган эволюцион йўл ҳам ушбу назарияга мос бўлиб, унда нафақат тинчлик, осойишталик йўли, балки инсонпарварлик, жамиятда моддийлик билан маънавийликни мутаносиб ривожланишининг кенг имкониятларини вужудга келтиради.

Ушбу мавзу эркинлик, озодлик, демократия, ҳуқуқий давлат тушунчаларининг фалсафий таҳлилида одамларни демократик тарзда ҳаёт кечиришга ундайди. Уларнинг яшаш тарзи ва фикрларини демократик томон йўналтириш зарурлиги олға сурилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қўлланма турли камчиликлардан ҳоли эмас. Китобда «маданият ва цивилизация», «жамият ва шахс» масалалари алоҳида мавзу сифатида ёзилмаган. Ундан ташқари бир неча мавзулар тор доирада ёритилган. Масалан, «фалсафа ва унинг жамиятдаги ўрни» мавзусидаги дунёқарашнинг тарихий турлари, унинг таркибий қисми оддий санаб чиқилган, холос. Уларнинг мазмуни очиб берилмаган. Қадимги Шарқ фалсафаси йўналиш ва оқимлари баёнида ҳам айрим фалсафий қарашларни билдириш билан чекланган. Бундай камчиликлар китобнинг кейинги нашрларида ҳисобга олиниши, тузатилиши керак.

Умуман олганда эса, қўлланма фалсафанинг янгиланиш йўлида қўйилган дастлабки қадам бўлиб, янгича фикрлаш асосида ёзишга журъат этилган китоб деб аташ мумкин.

А. АБДУСАМЕДОВ,
профессор
Э. УМАРОВ,
профессор

Боқий («МТ» таҳририятидан):
Муаллиф қўлланмани «Фалсафа Қисқача конспект» деб атаган. Бу бир жиҳатдан, муаллифнинг ўта камтарлиги, ишни яратишда ҳам камтарона мақсадларни кўзлаганлигини кўрсатса, иккинчи жиҳатдан, шу билан китобнинг қўлланма сифатидаги ўйнайдиган вазифасини белгилайди. Мана шундай тажрибали, изланувчан, салоҳиятли мутахассислар томонидан ёзилган «Конспект»ларнинг кўпайиши миллий фалсафий фикр, миллий мафкуранинг тараққийсига яхши асос, замин бўлади.

Фалсафий гурунг

ИНСОН ҚАДРИ НИМА?

Мамлакатимиз мустақиллика эришганидан сўнг инсон ва унинг қадрини ошириш ислоҳот ва ўзгаришларнинг узвий қисмига айланди. Республикамиз Президенти алоҳида таъкидлагани сингари барча ўзгаришлар инсон учун, унинг бахт-иқболи учун амалга оширилмоқда. Аслида эса инсон ва унинг қадри муаммоси илмий изланишларнинг азалий мавзуларидан биридир. Одам зотининг дунёга келиши, бошқа жонзотлардан фарқи, табиат ва жамиятдаги ўрни, инсоний фазилатлари, шахсий хусусияти тўғрисидаги масалалар ҳамма даврда файласуфларининг диққат марказида турган. Фан соҳасида одамнинг жисмоний тузилиши, табиий-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамон давом этмоқда. Ижтимоий фанларда эса шахс камолоти, унинг ижтимоий, маънавий қиёфаси билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Хуллас, одамзот учун ўзига ўхшаган бошқа кишилар, уларнинг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни, қадри, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ муаммолар, азал-азалдан энг асосий тадқиқот ва кузатиш объекти бўлиб келган.

Хўш, инсон қадри нима ўзи? Ҳозир унга эътибор қандай? Инсоннинг ўзини қадрият сифатида талқин қилиш билан, унинг қадри ва шахсий даражадаги қадриятлар тизими тўғрисидаги масалалар бир-биридан фарқ қилади. Бу борада уч хил йўналишда фикр юритиш мумкин, яни:

— ҳар бир инсон, шахсни қадрият сифатида қараш мумкин. Бунда инсоннинг ўзи, унинг табиий-тарихий жараёндаги мавжудлиги, тирик жонзотлар орасида ягона ижтимоий вужуд эканлиги эътиборга олинади. Бу борадаги таҳлил аниқ инсонга қаратилган бўлиб, уни махсус тадқиқот мавзусининг объектига айлантиради;

— инсоннинг қадри, яъни уни ижтимоий жараёнлардаги ўрнини, атроф-муҳит ва бошқа кишилар учун аҳамиятини, жамиятдаги мавқеи ва бошқаларни тадқиқ қилиш ҳам мумкин. Бу борадаги таҳлил инсоннинг ижтимоий-тарихий аҳамиятини ўрганишга асосланади;

- шахснинг маънавий олами, қиёфаси, қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари, фаолияти билан боғлиқ қадриятлар тизимини ҳам таҳлил қилиш мумкин, бунда асосий эътибор қадриятларнинг шахсий (алоҳида, якка) даражада намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларига қаратилади.

Инсон тарихий тараққиёт жараёнида турли хислатлар, сифатлар ва хусусиятларга эга бўлган, маънавий-ахлоқий жиҳатларни қиёфасида акс эттирган ижтимоий мавжудот сифатида жамиятдаги асосий қадрли субъектдир. Шу билан бирга у, оламга ижтимоий муносабатда бўлиш, одамлар билан муомала ва алоқага киришиш, меҳнат қилиш асосида моддий ва маданий бойликларни вужудга келтириш, тафаккури, ҳиссиётлари, фикрларини тили воситасида ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлган умумижтимоий вужуд ҳамдир.

Инсон жамиятсиз яшай олмаганидек, жамият ҳам инсонсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай жамият ўзини ташкил қилиб турган кишиларнинг фаолияти, ўзаро муносабати ва умргузаронлиги билан тирикдир. Шу маънода инсон — ҳар қандай жамият бор бўлишини таъминлаб турадиган асосий ижтимоий элементдир. Бундай таъминланиб туриш инсоннинг индивидуал— шахсий иштироки орқали, яъни бирор гуруҳ, қатлам, синф, қавм, элат, халқ, ёки миллат доирасидаги фаолияти, оила ва турмушдаги хатти-ҳаракати, яратган бойликлари, ўзига ва ўзгаларга нисбатан муносабати орқали намоён бўлади.

Инсон қадри унинг ижтимоий хусусиятлари, жамиятда амалга оширган фаолияти, бошқаларга ва атроф-муҳитга муносабати, хатти-ҳаракатининг аҳамияти сифатида камолотга етганлиги, ижтимой хусусиятларни ўзлаштириб олганлиги ва уларни маънавий қиёфасида намоён қила олганлигида ҳам кўринади.

Одамзотнинг шахсга айланиши, ўз қадрини ва ўзгалар қадрини англаш жараёни узоқ йиллар давом этади. Дастлаб норасида гўдак учун она кўкраги, сути, алласи энг асосий қадрият бўлса, она қўлидан тушгач, она кўкрагидан ажралган бола учун эса, аста-секин атроф-муҳит, ўзи яшаётган макон, ўзга кишилар ва ўзи ҳам қадриятга айланиб боради. Бу даврда у ўз шахсий эҳтиёжи ва мақсадларини ўзига хос «қадрият кўзгуси» орқали кўради, ўзига керакли ва зарур нарсаларни муҳайё қилишларини кўпроқ хоҳлайдиган, талаб қиладиган бўлиб қолади. Болалар ҳаётининг кўпгина тадқиқотчилари камолотнинг бу муҳим даврида (5-6 ёш) ўз қадрини ошириш ва шахсини севиш, яъни уларда болалик эгоизми кўпроқ мавжуд бўлишини таъкидлайдилар.

Албатта, инсон илк болалик даврида қолиб кетмайди, ота-она, қариндош-уруғ, дастлабки ўқитувчилар унинг қадриятлар мезонини англашида муҳим ўрин тутадилар, шу тариқа инсон камолот сари боради. Бу жараёнда етук шахсга айланиш имконияти бўлган одамзот наслининг ҳар бир вакили оилавий, маънавий-ахлоқий, миллий ижтимоий қадриятлар таъсирида тарбияланади, шу билан бирга, унинг шахсий жиҳатлари, қадрланадиган сифатлари ва хусусиятлари кўзга ташланади. Бу жараёнда шахснинг ўзи ҳам ижтимоий қадрли вужуд сифатида шаклланиб, ўз қадрини намоён қилади.

Инсоннинг бутун умри шахсий қадриятларни такомиллаштириш, ўз қадрини камолга етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва ундаги содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. **«Қарилик» иборасини инсонга биологик маънода ишлатиш мумкин, аммо бу тушунчани инсон қадрига ва қадриятларига нисбатан ишлатиш ножоиз. Зеро қарилик қадрсизланиш бўлмагани каби, ёшлик ҳам беқадрлик, дегани эмас!**

Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Ушбу маънода, Суқротнинг «Ўз-ўзингни англа!» — шиори ғоят катта аҳамият касб этади. Ўз қадрини англашнинг объектив, субъектив, ижтимоий ва шахсий томонлари бир-бири билан доимий алоқадорликдадир. Улар инсон табиатининг турли жиҳатларидир. Шахснинг қадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс қадрини шакллантириб, сайқал беради, унинг ўзи эса ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида, ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлигини чуқурроқ англаб олиш томон боради.

Ҳозирги даврда муайян кишининг қадри қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин.

— табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жараёнларга нисбатан муносабати, ушбу жараёнлардаги ўрни ва фаолияти;

— турли ирқ, миллат, ижтимоий қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва қадриятларга интиладиган кишиларга муносабати;

— ўз-ўзига, оила, турмуш, жамоа ва жамиятдаги ўрнига нисбатан муносабати;

— меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисод борасидаги жараёнларда иштироки, жамиятдаги моддий эҳтиёжларни қондириш ва моддий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссаси;

— сиёсий ўзгаришлар, жамиятни демократиялаштиришда қатнашиши, бу жараёнда қандай мақсадларни кўзлаётганлиги;

— жамиятда қарор топган қадриятлар тизими тез ўзгариб кетган ҳозирги даврда қандай позицияни эгаллаши, ўзини қандай тутиши, бу жараёнда иштирок этиши билан боғлиқ фаолияти;

— ҳозирги даврдаги универсал технологиялар, ишлаб чиқариш ва бошқариш воситаларининг замонавий талабларга ҳозиржавоблиги, бу борадаги малакаси, қобилияти ва кўникмаларини такомиллаштириш учун амалга ошираётган хатти-ҳаракатлари;

— табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик ва иқтисодий таъминланганлик борасидаги талаб ва эҳтиёжларини маънавий-ахлоқий камолоти ва амалий фаолияти билан уйғунлаштира олиши;

— маънавий баркамоллиги, ахлоқий камолоти ва нафосати, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётганлиги;

— ўзининг шахсий, миллий, диний, ирқий, синфий ва бошқа соҳалардаги манфаат ва мақсадларини, талаб ва эҳтиёжларини, интилиш ва фаолиятини умуминсонийлик талабларига мослаштира олганлиги;

— маҳдудлик, манқуртлик, маҳаллийчилик, миллатчилик, хурофот ва бошқа бидъатларнинг моҳиятини тўғри англаб олганлиги, уларга нисбатан муносабати ва бошқалар.

Юқоридаги жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда шахс қадрини баҳолаш ва шу асосда шахсларнинг типларини аниқлаш имконига эга бўлиш мумкин. Улар ҳар бир шахснинг маънавий қиёфасини белгилаб беради ва миллатни миллат, халқни халқ қиладиган мафкура ва маънавият талабларини тўғри англайдиган авлодни тарбиялайди.

Сирасини айтганда, ўз қадрини билмайдиган киши халқи ва миллатини қадрлай олмайди, мустақиллик ва истиқлол берган имкониятларни тўғри англамайди. Ана шу сабабдан ҳам, республикамизда ёш авлодни тарбиялаш, келажакка муносиб кадрларни етиштиришга ниҳоятда катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбек олтини ёмбилари. ЎзА суратхонаси.

Қиёмиддин НАЗАРОВ, фалсафа фанлари доктори

Янги дунё тафаккури

КЎРАР КЎЗЛАРИМИЗ

Озод жамият — тўғрилик, ҳалоллик, хур фикрлилик, яратувчанликка таяниб яшайди. Инсон боласи бу фазилатларга маърифат йўлларидан юрибгина етиши мумкин. Ёлғиз маърифатгина одамни нафс балосидан, турфа қулликлардан халос этади, юксалтиради. Айнан шунинг учун ҳам озод яшамоқчи бўлганлар маърифатдан таянч излайдилар. Ҳукуматимизнинг маориф соҳасидаги ислоҳотларга жуда катта эътибор қаратаётгани, қатор фармонлар қабул қилаётгани, дастурлар яратаётгани ҳам айнан шу сабаб билан изоҳланади.

Ҳар қандай ислоҳотлар вазни унинг амалиёти билан ўлчанади. Маориф соҳасидаги жиддий назарий ўзгаришларни амалиётчилар қандай ҳис қилаяпти? Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманига қарашли 426-мактаб-боғча мудираси Мастура Мусаева билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.

— Мастура опа, қирқ йилдан буён кичкинтойлар орасида экансиз. Шу йиллар давомида 2 та янги боғча очилишига бош бўлибсиз. Ўзингиз тайёрлаган ўринбосарларга тилга тушган боғчаларингизни топшириб, бу масканда ишлаётганингизга ҳам йигирма йилча бўлибди. Айтинг-чи, шу кейинги пайтдаги маорифдаги ислоҳотларни сезаяпсизларми? Бу жараёнда иштирокингиз қандай?

— Биз иш бошлаганда, ҳатто, яқин-яқингача ҳам боғча — ота-онанинг ёрдамчиси маъносидаги ишхона эди. Биз истиқлолга эришганимиздан сўнггина ўзимизни таълим-тарбия ишининг бир босқичи сифатида ҳис қила бошладик. Мана шу мактаб-боғчамиз мисолида гапирадиган бўлсам, ҳамма қулайликларга эга бу кичкинтойлар таълимхонаси 400 га яқин болаларни ўз бағрига олган. Мактаб-боғча мақомини олганимизга уч йил бўлди. Биз юқори гуруҳдан энг истеъдодли болаларни танлаб олиб, биринчи синф программаси билан ўқитамиз. Ўқитишда асосан, биз ўқувчиларимиз иқтидорига алоҳида аҳамият берамиз. Ким нимага кўпроқ қизиқади? Ким қайси соҳани кўпроқ қабул қилади? Шу саволларга жавоб излаймиз. Мақсадимиз бола бошланғич синфларданоқ ўз ҳаёт йўналишини белгиласин. Ўзининг қобилиятига қараб мактаб танласин, адашмасин. Биз қисқа вақт ичида яхши самараларга эришдик. Битирувчиларимиз ўз имкониятларига қараб, баъзилари тилга ихтисослашган, баъзилари иқтисодга ихтисослашган мактабларнинг иккинчи синфига бораяпти.

— Демак, «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» ҳаракатга кела бошлабди сизнинг боғчангиз мисолида. Ҳамкорларингиз, издошларингиз кўпайсин. Иқтидорли болалар таълими ҳам ўзига хос бўлса керак?

— Албатта. Бизга Инқилоб Турсунова бошлиқ Болалар фонди компютерлар совға қилди. Олмос Қиличев деган ажойиб мутахассисимиз бор. «Ўзбеклар техникага қобилиятсиз» деганлар бўлса, бизнинг боғчага юборинг. Кичкинтойларимиз жиддий киришган компютерлар билан тиллашгани.

Инглиз тилидан сабоқ олишади. Темурийлар даври музейлари, табиат музейларида дарслар ўтамиз. Таассуротлар асосида расмлар чизамиз, ҳикоялар ёзамиз. Луиза Эшмуҳамедова, Маҳфуза Миржалолова, Скварцова Татьяна Викторовна каби изланувчан муаллимларимиз болаларнинг бирор дақиқасини ҳам бекор ўтказмасликка интиладилар.

— Қуйи гуруҳларда машғулотлар қандай кечади?

— Уларнинг машғулотлари бошқачароқ. Барибир оддий боғчалардан фарқ қилади. Кичкинтойлар билан ҳам чинакам фидойи тарбиячилар ишлайди. Умуман, ҳамкасбларимнинг ҳамма-ҳаммаси яхши. Зуҳрахон, Моҳира, Малика, Ҳуснора, Азиза, Элнора, Марина Юревна, Шаҳло, Хумайро, Дилноза... Ҳозир маорифда фидоийлар қолган. Иложи борича, тарбиячи, муаллимларимизни ҳам рағбатлантиришга, оромгоҳларга йўлланмалар олиб беришга ҳаракат қиламиз, тарихий шаҳарларга саёҳатга олиб чиқамиз. Шунинг учунми, боғча гуруҳларимиздаги таълим-тарбиядан ҳам кўнглим тўқ. Бизда ҳовуз, махсус спорт зал, мусиқа хонаси, даволаш хоналари бор. Болалар шифокори, тиш дўхтири, ҳамшираларимиз ҳам маош олиб ишлайди. Енгилроқ даволарни шу ерда қилаверамиз. Ўтган икки йил давомида боғчамизда юқумли касалликлар билан оғриган болалар қайд қилинмади.

— Қайда чинакам иш бўлса, натижаси тез кўринади, Мастура опа. Болалар хасталанмаган бўлса, демак, тоза еб-ичиб, тоза яшайдилар. Ҳовлиларингиз ҳам баҳаво экан. Асли гўдаклигидан болаларни «Мана шу оёғинг остидаги парча ер ҳам Ватанинг, уни асра, ўзинг ҳам шу Ватаннинг бир парчасисан, ўзингни асра» деб ўргатишимиз зарур.

— Албатта. Болалар — бизнинг кўрар кўзларимиз. Улар ёруғ бўлишса, чанг-тўзондан фориғ бўлса, нигоҳимиз узоқ-узоқларга етади. Боғчамизда овқатланишга ҳам эътибор катта. Шўро даврида бир қултум сут ундириш учун она сутимиз оғзимиздан келарди. Мевани-ку, айтмай қўяверинг. Ҳозир қиши билан ҳам дастурхонимиздан мева, сабзавотлар узилмайди. Туман раҳбарлари, маориф бўлими ходимлари, барака топишсин. Боғчани ўнг кўзида кўришади бари. Ота-оналар ҳам таъмир ишларида ёрдам беришади. Болалар учун ҳамма нарса гўзал бўлиши керак. Гўзаллик ичида ўсган бола шу ҳиссиётнинг бир бўлагига айланади. Ҳали талай режаларимиз бор, уларни кейин, амалга ошира бошласак, айтаман.

...Мастура Мусаева барча болажон аёлларга ўхшаган куюнчак, жонсарак. Синфхоналари, кичкинтойлар турли хил сузишга ўрганаётган ҳовузи, компютер хоналари, олмалар пишиб ётган ҳовлиларни кўрсатди. Қани эди, ҳамма боғчаларимиз шундай бўлса, деган гўзал бир истак ила бу мўъжаз, чиройли маскандан қайтдим.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА



ҲУЖУММИ? МУНОЗАРАМИ?

Яқин-яқинларгача ҳам «Инқилоб бўронлари» ҳақида кўтаринки ҳиссиётларга тўлиб, оғзимизни тўлдириб сўйлар эдик. «Бўрон қуши» адибига эргашиб, «Яна ҳам кучлироқ, шиддатлироқ эссин бўрон!» — деб ёруғ оламда бўрон ҳукмрон бўлишини орзу қилардик. Бўроннинг кўр шиддати ер юзидан, ҳаёт боғидан не-не маданиятлар, не-не азиз жонларни ноҳақ маҳв этиб, қаттол чангалида юлиб, супуриб кетиши устида у қадар ўйлаб ўтирмас эдик.

Ўзбекистонда яқин ўтмишда «инқилоб бўронлари» табиий тарзда «инқилоб ҳужумлари»га ўсиб чиқди. «Инқилоб ҳужумлари» истиқлол, озодлик, миллий манфаатлари йўлида ишлаган, шуларнинг рўёбини кўришни орзу қилган барча фидокор зиёли, маърифатчиларимизнинг бошига тушди. Улар шафқатсиз ҳужумларга охиригача дош бердилар, чекинмадилар, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш йўлидан тоймадилар.

Ўша замонлар матбуоти саҳифаларини варақласангиз, бу ҳужумлар қандай бўлгани, қандай уюштирилгани, қай мақсадга хизмат қилгани кўз ўнгингизда бутун машъум турқи-таровати билан гавдаланади.

Мунаввар қори, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Авлонийлар шу баттарин, адолатсиз, аёвсиз ҳужумлар остида ўртан, фарёд кўтарар, ўзларини ва ўз тимсолларида оёқ ости қилинган диёрни, мунғайиб қолган халқни ҳимоя қилар, тоталитар бало-қазолардан асраш, миллат маданий, ижтимоий қиёфасини сақлаб қолишга уринар эдилар.

Ҳужум ва бўрон эса тобора қутурар, фидойиларни маҳв этиш учун барча воситаларни ишга соларди.

«МТ» ўша улуғ фидокорлардан бири Мунаввар қорининг овозини, унинг мард, ориф, кучли мантиқини ўз оғзидан эшитинг, олижаноб сўзига қулоқ тутинг деб, унинг 20-йиллардаги айрим чиқишларини эътиборингизга ҳавола этмоқда. Бу биз тарих иқбол ато этиб нимадан қутулганимиз ва қандай улуғ саодат — озодлик ва мустақилликка эришганимизни яна бир карра равшан кўрсатади.

«МТ» таҳририяти

«Қизил байроқ»нинг 131-сонида «Илмий хизмат» унвонли бир мақола кўрилди.

Ул мақола «Биров» имзосида ёзилуб, анда маним шахсимга хийла ўринсиз ҳужумлар — «ота гўри қози хоналар» қилинмишдир.

Бунга сабаб эса маним расмий бир мажлисда бутун маориф аҳллари, муаллимлар, маориф қўмиссари ва шаҳар маориф мудирлари ҳузурида ўзбек маориф ишларини ҳозирги таназзулининг сабабларини кўрсаткан вақтимда, «бировларнинг қошида энг муқаддас саналғон» ва анга тил тегдирмоқ қонунан гуноҳ бўлган «имло масаласи»га-да густоҳона тил тегдириб кетганлигим бўлмишдур.

«Биров» ҳазратларининг кашф эткан ва тамом турк дунёсининг анга бўйсунмоғи вожиб бўлғон муқаддас имлосининг баъзи нуқсонларини кўрсатмоқға бошқаларнинг ҳақлари бўлсада, мен бечоранинг ҳаққим йўқ эмиш.

Чунки ман бир вақтларда бошлаб усули жадид мактаблари очканман, ул мактабларда ўқутмоқ учун «Адаби аввал», «Адиби соний», «Ҳавойиж диния»ларға ўхшаш бир неча китоблар чиқорғонман, ҳам ул китоблардан сотуб қорнимни тўйғузғонман. Шул сабабли ман гуноҳкор, эндаги ман имло масаласидан сўз очар эканман, ёлғуз «Адиби аввал» ва «Адиби соний»ларимни сотмоқ учунгина сўз очар эмишман. Мактабларда дин дарслари ўқутилсин, десам, фақат «Ҳавойиж диниям»ни пул қилуб, қорин тўйғузмоқ учунгина деяр эмишман.

Мана! «Биров» ҳазратларининг «Қизил байроқ»нинг яқин бир бетини тўлдируб манга қилган ҳужумнинг руҳи ва хулосаси. Китобларим хусусида мен шуни деб биламанки, «Ҳавойиж диния» диний бир китоб, анинг ила, бировларни бировлар ила анинг бир иши ва алоқаси йўқ.

Ҳам «Ҳавойиж диния» мундан 12 йил муқаддам бутун ҳақ табълари ила бир ширкатға 225 сўм бадалига сотилғон.

Биноан алайҳ, анинг сотилув ва сотилмасининг маним қорним илада алоқаси йўқ...

...»Адиби аввал ва соний»ларға келганда, онларнинг нусхаси дунё юзида ҳозир йўқ.

Такрор босилуб дунёга чиқар экан, анинг 20 йилдан бери имло тўғрусида ҳар табъида тадрижий суратда ислоҳ этилуб келган асосли бир йўли бор.

Ул сизнинг бир-бириға мухолиф бўлғон бузуқ имлоларингиз, ўрунсиз ҳужумларингиз ила ҳисоблашмасдан, ўз маслакида давом этуб, ҳақиқий янги имлони (сизнинг ҳозирги бузуқ имлоингизни эмас) халқ орасина сездирмойчагина тарқатадир.

Такрор босилмас экан, анинг руҳина яхши бир фотиҳа (агар сизда инсоф ва виждон бўлса) ўқумоқингиз керак.

Чунки бир вақтларда бу сизга ўхшаш қаҳрамон ёзувчилар тарафидан янги имлоингиз ила ёзулуб, ва босулуб, бутун мактабларни китобдан таъмин эткан, ҳозирги мактаб китобларингиз йўқ бир замонларда (ҳолбуки ҳеч нарсангиз йўқ) филжумла, халқнинг эҳтиёжини ўтаган, анинг учун ул китоблар доим сизнинг ҳужумингизга нишона ва ёзувчилари эса сизнинг қошингизда авантурист бўлмаса керак эди.

Мажлисда сўйланган сўзларға келганда, «Биров» ўртоқ меним сўзларимға бутун хиёнат эткан.

Танқид ва мунозара қонуни шул эдики, ул маним сўзимни бутун кўчируб, ўзининг танқид ва мунозарасини анинг устида қилмоқ керак эди.

Ҳолбуки «Биров» ўртоқ маним сўзларимдан ўзиға керак жойларини теруб, анинг устига ўзиданда бир қадар илова қилуб, сўнгра танқид ва мунозара қонунин ташлаб тўғридан-тўғри ҳужум бошлағон. Манга бундай ҳужумлар эндигина эмас, балки бировлар ҳануз онадан туғилмаган замондан бери бўладур...

Бир вақтларда Остроумовчилар, иккинчи вақтларда уламолар ҳужум этдилар. Ман онларнинг ҳужумларига қарамасдан, ҳамон ўз маслакимда давом этдим. Бу кун «бировлар» ҳужум этар экан, ул ҳам мани ишдан ва маслакимдан тўхтата олмайдур.

Бу ҳужумни ман жавобға ҳам арзитмас эдим. Фақат маним мажлисда эткан сўзларимни хиёнат тарийқида бузуб ёзғонлиги мани жавобға мажбур этди.

Ман ул мажлисда ўз фикримнигина эмас, расмий бир ҳайъатнинг фикрини ҳам 20 декабрда маориф шўъбасида расмий бир мажлисда маориф қўмиссари, маориф мудири ва бошқа маориф аҳллари тарафидан ўзбек маорифининг асбоби таназзули тўғрисида сўйланган фикрларнинг таржимонигина бўлдим. Маорифнинг таназзули тўғрусинда 17 моддадан иборат бир маъруза, ҳам 12 моддадан иборат чораларин сўйладим.

Шул жумладан асбоби таназзулдан бири этуб, вақтсиз чиқарилғон имло масаласин ва имлочиларнинг ўзлари ҳануз бир фикрға келмай туруб, бутун мактабларға шул имлони мажбурий эълон қилғонликларин, Қуръон ҳарфларини мактаб китобларидан чиқорғонликларин, бу ишга бир тарафдан мактабларда болалар ёзувини оналар, оталар, ёзувини болаларнинг билмасликларига, иккинчи тарафдан маориф душманларининг, мана, янги имло чиқоруб, Қуръонни бузмоқчи деб, халқ орасина иғво тарқатмоғларига ва бу воситалар ила қора халқнинг янги мактабларидан безуб, эски мактабларнинг такрор ривож топмоғиға сабаб бўлғонлиғин кўрсатдим.

Бундан сўнг имло масаласининг асосина кўчуб: «Ислоҳи имло масаласи ҳақиқатда керакли ёки масала, ҳам янги бир масала эмас. Бу тўғрида Туркияда қарийб қирқ йилдан бери, Қафқаз ва Татаристонда қарийб 20 йилдан бери қанча олимлар, профессўрлар ишлар турадурлар. Бизданда бир неча ёшлар чиқуб, жиддий ҳаракатлар кўрсатдилар. Бунларнинг бу ғайрат ва ҳаракатлари шоёни тақдир.

Анга бу тўғрида лозим бўлғон табиий тадрижий йўлдан чиқуб, ҳануз пишмаган, бир асосга ва бир йўлга қўйилмағон бир имлони халқнинг оғзига куч ила тиқмоқ бўлуб қўйғон қадамлари хато, дедим.

Бундан сўнгра бошқа масалаларға кўчдим.

Мана имло масаласи тўғрусинда маним сўйлаган сўзларим шул. Бу сўзларни ман ҳайъатнинг қарорила, ҳам муфассал ёзиб, бир неча сензурлардан кечиргандан сўнг сўйладим. Ўқувчилар буни ҳам бу сўзлар учун бировнинг манга қилғон ҳужумини кўрсунларда, манга «Биров» ўртоқнинг қандай хиёнат этканлигин ўзлари ҳал этсунлар. «Биров» ўртоқ ёлғиз хиёнат илагина қаноатланмағон, балки бироз тараққий қилуб иғвогарлик йўлига ҳам киришган. Гўё ман ул мажлисда деган эмишманки: «Николай замонасида қандай бўлсада бир маориф бор эди. Ҳозир бўлса маорифнинг тузилиши эмас, ўзи ҳам йўқ». «Биров» ўртоқ бу сўзларни уялмасдан қандай тўқуб чиқарди экан? Иғвогарлик учун бундан бошқа йўл топилмадими? Ҳолбуки маним бу хусусда эткан сўзим шул эди: «Николай замонасида Ҳўқандда ўндан зиёда усули жадид, беш-олти рус-тузем мактаблари бор эди.

Самарқандда ҳам шул қадар эди. Инқилобдан сўнгра бунлар йигирмадан ортди. Ҳозирда эса Ҳўқандда мактаб деса бўладирғон икки-учгина қолғон. Самарқандда эса йўқ деярлик. Бутун кучини маорифга берган Шўролар ҳукумати замонида бу мактаблар ҳозирғача бир неча ҳисса орткан бўлса керак эди. Ҳолбуки, кундан-кунга йўқолиб борадир. Бунинг албатта сабаблари бўлса керак. Бизга шул сабаблар ила курашмоқ лозим», — дедимда, сўнгра сабабларини санамоқға киришдим. Маним бу сўзларим ёзувда ва майдонда «Биров» ўртоқнинг шундай иғвогарлик йўлиға кирмоғидан, анинг очиқ имзосин қўймоғон сабабли, ким эканин билмасам-да, олчоқ бир ҳариф эканлигига шубҳам қолмади. Биноан алайҳ, бошқа сўзларига жавоб бермоқнида лузум кўрмайман. Бундан сўнг холис илмий ва адаб мунозараға мувофиқ ўлмоқ шартила имло масаласина кўчаман.

МУНАВВАР

«Қизил байроқ», 1922, 3, 7 феврал, 138, 139-сонлар 1-бет.

Феруза НУРИДДИНОВА тайёрлади.

«Турон» кутубхонаси библиографи

ИДОРАДАН:

Бу масала тўғрисида савол жавобни чўзуб ўлтирмаслик учун «Қизил байроқ» идораси, бундан кейин бу тўғрида ёзилатурғон мақола ва жавобларга йўл бермайдир. Шунинг билан бирга, бетараф бўлғон ҳолда ўзининг фикрини баён қиладир:

«Биров»нинг мақоласи мунозара бўлмасдан тўғридан-тўғри мантиқий бир ҳужум эди. Мунаввар қорини илмий, мантиқий мақола ва мунозаралар билан матбуотга чиқариш мумкин бўлмағон эдики, бу ҳужум Мунаввар қорининг жавоб билан газета саҳифасига чиқишига сабаб бўлди, ҳам бу жиҳат билан фойдали бир натижа берган бўлди.

Мунаввар қорининг ўзларининг мақолаларига келганда, унда «Биров»ни ҳақсиз ҳужум қилғучи, ёлғончи деб кўрсатсалар ҳам, қори жанобларининг ўзлари ундан ҳам ўтказиб юборғонлар. «Биров»нинг қанча қанча далиллар билан ёзғон сўзларини тўғридан тўғрига босиб янчиб уни динсиз, динга қарши деб ўзларини халқға яхши кўрсатмоқчи бўлғонлар. ҳолбуки бечора, «биров» ўз мақоласида мактабларда дин дарслари ўқитиш тўғрисидаги фикрини очиқ ва аниқ баён қилғон ва фақат маориф комиссарлиги томонидан чиқарилғон декретда кўрилган Мунаввар қорининг сиёсий ўйунини кўрсатмакчи бўлғон эди.

Қори афанди бу тўғрида нима деб жавоб беришни билмай қолиб, жавоб ўрнига бир ҳийла, бир макр қилиб ўз қаршуларини ғадр этмакчи бўлғонлар, ҳам очиқ маълум ва равшан кўринуб турғон масалани бир томонға йиғиштириб ташлаб «дин» номидан жиҳод очиб ташлағонлар.

Асосий масала бўлғон декрет тўғрисида-чи? — Жимм...

Ундан кейин, маориф шўъбасида сўйлаган сўзларининг нақлига келганда «Ман ул мажлисда сўйлаган эмишманки», деб бошқа бир сўзни жаволари ичига киритиб, ўзларини оқламоқчи бўлғонлар; ҳолбуки «Биров» ул гапнинг қаерда айтилганлигини мақоласида оп-очиқ кўрсатиб ўтган. Ишонмасангиз, яна бир мартаба ўқуб қарангиз. Охирида Мунаввар қори афанди мақоланинг жавоб бера олатурғон жойларига ўзларида жавоблар ёзиб, бера олмайтурғон ерларига қувватсизликларидан:

«Жавоб бера олар эдим-ку, лозим топмайман», деб сўзларини тамом қилубдурлар. Мақолаларини ўқувчиларнинг ўзлари кўруб ҳукм этсунлар, деб ўзгартирмасдан ўз ҳолича (айнан) босдирдик.

Имло тўғрисида ёзғон мантиқий мунозаралари ҳали идорамизга келгани йўқ. Юборилса, уни ҳам айнан босдирармиз. Хулоса, қори афандини авом халқ орасидан чиқиб, матбуот майдонига қадам босишлари билан таврик этамиз.

Имло тўғрисида ёзилатурғон ёзмаларга газетамизнинг саҳифалари ҳар вақт очиқдир.

«Қизил байроқ», 1922 йил, 7 феврал, 139-сон

ТОШКЕНТЛИК МАЪРИФАТПАРВАР

20-йиллар матбуотини варақлаган киши Шокиржон Раҳимий номига кўп дуч келади. Тошкентлик маърифатпарварлар ичида Мунаввар Қоридан сўнг иккинчи ўринда турувчи бу шахс ўз халқи, миллатини зулм ва қийинчиликлардан қутқаришнинг ягона йўли илм эканлигини кўп ва хўб тарғиб қилди. Шокиржон Раҳимийнинг саводсизликни тугатиш, миллий алифбога бағишланган мақолалари, дастлабки дарсликлари халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. У ҳаёт бўлганида бу йил 100 ёшга тўлган бўлар эди. Қуйида унинг «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1924 йил 29 декабр сонида босилган мақоласини ўқувчилар диққатига ҳавола қиламиз.

ЎЗГАРИШДАН ИЛГАРИ ерли халқ орасида ўлкани таниш

Мана бу масала ҳақида биз ҳар қанча тегишлик манбаларни ахтармайлик бизга чор ҳукумати ва унинг сиёсий жосуслари, миссионерлари ёки шуларга яқин турғон идоралардан бошқасидан бу тўғрида ҳеч қандай ташаббус кўрмайсиз. Бунга сабаб биринчидан ерли халқнинг маорифдан узоқда бўлиши ёки бўлдирилиши бўлса, иккинчидан шубҳасиз ҳукуматнинг бу тўғрида тутқон бузуқ ярамас сиёсати бўлғон. Ул чоқларда Туркистонни ёки Ўзбекистонни сиёсий томондан ўрганмак керак бўлса, ерли халқдан бу тўғрида тайёр хизматчилар топилғон. Бир қози ёки бир мингбошиға дўстлуқ ёки буйруқ йўли билан топширилғон хизмат дарров ерига етказилган. Лекин хизмат қилучи бечоранинг ўзига қитдак ҳам манфат бўлмоғон. Балки ишланган ишлар ва қилинғон хизматлар шул фалончи тўрамнинг исмидан бўлиб довруқ бўлғон. Ўзгаришга довур бўлғон тафтиш ишлари шул равишда бўлғон. Демак, ўзгаришча ерли халқнинг ўзидан ўлкани таниш ҳақида кўзга кўринарлик ташаббус кўринмайдир. Келамиз ўзгаришдан сўнгги давримизга; бу тўғрида ерли халқнинг атак-чечак қилиб юра бошлағон чоғи 1919 нчи йилга тўғри келадир. Бу чоғларда ўзбеклар бир ҳовуч зиёлилари, муаллимлари ўлкани тафтиш, ҳам тил ва адабиётга хизмат қилмоқ учун «Чиғатой гурунги» (чиғатой мажлиси) исмида расмий бир жамият турғизадирлар. Бу жамиятнинг муассислари ва чин аъзолари бугун ўзбек матбуотида ва илмий тадқиқот ишларида ишлаб юрган ўртоқлар бўлиб ҳозир бу истакларга оид хизматларнинг кўпини яна шулардан кутамиз. «Чиғатой гурунги» томонидан машҳур чиғатой шоири Амир Алишер Навоийнинг бу кунга довур майдонда бўлмағон расми майдонга чиқарилиб босдирилди. Бу кунга довур мувашшаҳ ва ошиқона байт айтишдан чиқ олмағон шеър фурмалари ўзгартилиб табиий бир оқим ҳам ўзбек вазни билан ёзиладурғон бўлди. Ундан бу ёққа бир қанча янги адабиёт парчаларимиз майдонга келди. Жумладан, баъзилари бугун Оврупо тилларида ҳам таржима қилинмоқдадур. Фитратнинг машҳур бир пиессаси бутун Қофқоз, Озарбойжон саҳналарида суйулиб уйналғони каби Чўлпоннинг баъзи шеър парчалари машҳур шарқшунос профессор Самойлович томонидан таржима қилиниб, марказий журналларда босилмоқдадир. 1920 нчи йилда ўртоқ Абдулла Авлоний томонидан туфайли суратда афғон элчилик ҳайъатлари билан бирга бўлғон саёҳатида йўл устида кўриб ўтган афғон ўзбеклари ҳақида янги ва илмий тадқиқотлар бўлғондирким, бу ўртоқ томонидан ўзбек илмий шўроси аъзоларига қилинғон маърузалар бор. Бу маърузада бу кунга довур биздан узоқда турғон қон қариндошларимиз бўлғон Афғонистон ўзбеклари ҳақида маълум бўлмағон маълумотлар бор. 1921 нчи йилда (Бухорода ўзгариш бўлғондан бироз кейин) бундан Бухорони текшириш учун илмий тафтиш ҳайъати юборилиб улар томонидан бўлғон бир қанча тадқиқот устига Бухородан топилғон бир қанча қўлёзма нодир асарлар ҳам дастхат ва расмларни қўшсоқ бу саёҳатнинг ҳам жуда аҳамиятлик бўлғони англашиладир.

1. Машҳур Бобурхоннинг Бухоро хазинасида сақланмоқда бўлғон расми;

2. Амир Алишер Навоийнинг ўз қўли билан ёзғон дастхати (сархат);

3. Бобурхоннинг мукаммал бир девони (ўтган анжуман донишчи Самойлович томонидан босдирилғон Бобур девонининг бунга қарағанда бир қанча камчилиги бор);

4. Бухоронинг тарихига доир нодир асарлардан бўлғон қўлёзма «Фатхномаи Султоний»;

5. Луғатлардан қўлёзма «Абушқа» (Навоийнинг тузган луғати);

6.»Муқадимат-ул адаб» исмлик қўлёзма, нодир туркча-арабча бир луғат (машҳур олим Замаҳшарий асари —,536-467) ва бошқалар. Ушбу саёҳатнинг натижасида топилғон қимматлик нарсалардир.

1922 нчи йилда ўзбек билим ҳайъати томонидан ўртоқ Ғози Олим Самарқанд уйазларини тафтиш учун юборилади. Бу ўртоқ шу саёҳатида Жиззах, Каттақўрғон ҳам Самарқанд уйазларида бўлғон бу кунгача шаҳар ўзбеклари каби айнамағон тоза ўзбекларни текшириб тил, лаҳжа, урф-одат, қиёфаларига оид бир қанча материаллар келтирадир. Ҳам бу саёҳат натижасида олинғон ўзбекнинг ҳар бир уруғининг шакл қиёфаларини кўрсатган 73 хил фотуғраф расмлари ҳам бор. Бундан бошқа машҳур «Ҳалима» асарини ёзғон Ғулом Зафарий Фарғонанинг бир қанча қишлоқларига саёҳат қилиб ундан урф-одат ҳам ўзбек мусиқа ва ашулаларига оид бир қанча материаллар, ашулалар, эртак ва чўпчаклар тўплаб келди. Бу нарсалар ҳам жуда муҳим нарсалардир. 1923 нчи йил Фарғонада «босмачи» воқеаси кучлик бўлиб, бундан марказдан бир неча илмий хизматчилар ҳам Фарғонага «босмачилиқни» битириш хизматида юборилғон эди. Ана шул вақтда «босмачилар» ҳаётига оид тарихий материйаллар, ашулалар ҳам умуман Фарғона ҳаётига оид материйаллар, қўлёзма китоблар тарихий асарларнинг дараги топилди. Баъзилари қўлга олиниш баробарида, баъзилари ҳисобға олинди. Машҳур хон ўрдаси санъат маркази қилмоқ учун қўлга киритилиб тузатилди. Унда музофот виставкаси очилиб тамом бўлди. У ерда Фарғона музофоти учун бир муза қилишга ҳаракат бор. 23-нчи йилда ўзбекни таниш ишлари учун қилинғон ишлар жумласига Маскавда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги ва майда ҳунармандлик виставкасини ҳам қўшмоқ бўладирким бунда кўпрак Туркистон (Ўзбекистон) нарсалари биринчи ўринни олди. Бунда ўзбек билим ҳайъатининг ҳам виставкада яқиндан танишлиғи бўлғони учун илм санъатка оид ҳам кўп нарса берилди. Марказий газета ва журналларда ёзилғон танқид ва тақризлар бунга шоҳиддир.

24-нчи йил Фарғонага юборилган иккинчи комиссийа томонидан: 1 — «Қутадғу билик»нинг араб ҳарфи билан ёзилғон кўҳна бир нусхаси (яқинда бу ўзбекчага таржима қилиниб ислоҳ билан босдириладир), 2 — машҳур Султон Ҳусайн Бойқаронинг девони, 3 — Умархоннинг хотини машҳур Нодиранинг девони ва бошқа бунинг каби қиматлик нарсалар топилди. Тағин бу йил ўзимнинг Фарғонага бўлғон саёҳатимда 1 — машҳур Сонут Бўғрохоннинг қўлёзма тазкираси (қашқар тилида), 2 — «Мажмуъат-ул-ҳақиқин» (Муҳаммад Сидиқ Ёркандий) асари бўлиб 1108-нчи ҳижрийда Мулла Содиқ янги Минорий томонидан ўзбекчага таржима бўлғон), 3 — Машҳур Худоёрхонинг икки нусха қўлёзма календари (рисола шаклида), 4 — машҳур Амир Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг бирга ўлтурғон расми (ҳижрий 868 да тортилғон), 5 — Бобур билан Баҳромгўрнинг Лўндунда тортилғон расми ва бошқа бир қанча муҳим нарсалар топилди. Бу ҳақда билим кенгашига маълумот бериш баробарида шундай эски асарларни ҳисобға олиш учун бир комиссийа тузуладурғон бўлди. Бундан бошқа Самарқанд Маориф ходимлари билан маслаҳатлашиб осори атиқани ўрганиш ҳам ёрдам бериш учун бир иттифоқ очиладурғон бўлди.

Нашрга тайёрловчи Эргаш УМАРОВ

Ибн Сино номидаги Бухоро кутубхонасида 300 мингдан ортиқ нодир китоблар сақланади.

ЎзА суратхонаси.

ТАСВИР, ТАСАВВУР ВА МУСАВВИР

«МТ» саҳифаларида атоқли олимлар, муҳандислар, ўқитувчилар, адиблар, рассомлар, санъаткорлар тўғрисидаги мақола ва бадиаларни мароқ билан ўқийман. Ижодий тафаккур эгалари фикрлаш йўсинларидан завқ оламан.

Яқинда таниқли рассом Ортиқали Қозоқовнинг кўргазмасида бўлдим. Унинг гўзал албоми босилган экан, танишиб, таассуротларимни ёзиш, «МТ» ўқувчилари билан ўртоқлашишга жазм этдим.

Ортиқали Қозоқов Ўзбекистон ранг-тасвир санъатида сезиларли воқеадир. Тасвирий санъатга тезкорлик билан кириб келди. Сўнгги ўн йилда асардан асарга ўз ижодини такомиллаштириб ўз олдига янги-янги вазифалар қўйди. Ҳар бир картинаси руҳини, унда ифода этмоқчи бўлган фикр, ғояни талқин қилиш йўлларини обдон ўйлади. Шуни тўла ишонч билан қайд қилиш мумкинки, 90-йиллар бошланишида ижодий жараёнга кириб келган ёш рассомнинг изланишлари, ижодий-руҳий парвози тўла равишда мустақиллик, эркинликка ҳамоҳанг. У қалбидаги барча ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тўла маънода даврда юз бераётган жараёнларга мутаносиб ранглар билан жилолайди, қутилмаган композицион услублар ва ранг-тасвир йўналишлари ҳароратида уларни ифода этади.

«Онам портрети»

Бу хусусият унинг муаммога ёндашишида ҳам, илгари сурилган мавзулар негизида, моҳиятида, мағизида ҳам, қалбининг тубида пайдо бўлган учқунни аланглатиш, уни юксак поғонага олиб чиқишда ҳам, академик ва бўлак чегаралашлар, муайян йўналишлардан халос бўлган изланишлар руҳида ҳам, ранг-тасвир муаммоларини ўлка, халқ турмуши, унинг анъанавий тарихий воқелигини ёритишдаги салмоқ, салоҳиятида ҳам кўринади. Бу унинг ижодининг энг муҳим йўналиши; истиқлол рассомга бутун ижодий ва руҳий кучларини рўёбга чиқариш имконини берди. Рассом турмушда, айниқса ижодда халқит берадиган турли мулоҳазалардан, баъзан ёш, мансабга қараб ўзини чеклашлар, ўринсиз андишалардан тўла ҳоли равишда, уларни четлаб ўтишга ҳаракат қилди. Вақтини тежаган, қадрини ҳимоя қилган ҳолда, энг муҳими, ижодий сўқмоқлар, уларнинг сирли, кишини ҳайратга соладиган, тубсиз, чегарасиз номаълумликларини, гўзалликнинг ҳаётий, хаёлий кашфиётларини очишга, англаш ва илғашга интилади. Рассом қисқа вақт ичида саккизта шахсий кўргазмасини намойиш қилди. 1995 йил Германиянинг Любек, 1997 йили Берлиндаги Шарлотта Бурин саройида, Туркиянинг Измир шаҳрининг Исфаш галереясида ҳам асарларини кўргазмаларга қўйди. Франциянинг собиқ Президенти Миттераннинг ўз рафиқаси билан ёш рассом кўргазмасига ташриф буюриши бир қарашда бу ақлга сиғмайдиган воқеа. Лекин замон учун хос воқеа. Ёш рассом ижодининг юксак баҳоланиши, эътироф этилиши, асарлари, ижоди ҳақида тўла тасаввур берувчи албомнинг чоп этилиши истиқлол воқеаси. Мустақиллликнинг кўтаринки изланишлари!

Дарвоқе, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳаётида Бадиий Академиянинг очилиши катта воқеа бўлди. Бадиий Академия санъатшунослик илмий тадқиқот институти, миллий бадиий ва дизайн ўқув институти, техникумларини ўз ичига олиб, бутун бадиий ҳаётни бошқариш масканига айланди. Вилоятларда 11 та лицей очилди, коллежлар фаолият кўрсатмоқда. Ёш авлод-иқтидорли ниҳоллар жойларда шу лицей ва коллежларга танлаб олинмоқда. Улардан энг талантлилари бадиий олийгоҳда ўз билимини ошириш имкониятига эга бўлди. Бу жуда оқилона ва самарали йўл. Чунки мамлакатдаги барча талантли ёшлар Бадиий Академия эътибор марказида туради. Ёш авлодни санъатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиради. Ўтган йили халқаро ёш талантлар кўриги Бадиий Академия бошчилигида ўтказилди. Унда Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистондан 16 ёшгача бўлган талантлар қатнашишди. Халқ таълими вазирлиги бу кўрикда вазир бошчилигида фаол иштирок этди. Алишер Навоий театри биносида унинг ғолиблари тақдирланди. Жюри аъзоси сифатида ёшлар, ота-оналар ички дунёсидаги юз бераётган юксак руҳий парвозни кузатиб, иқтидорли ёшлар республикамизда жуда кўп эканлигини шоҳиди бўлдим. Шу ёшлардан 18 таси имтиёзли дипломлар билан тақдирланиб, Бехзод номидаги бадиий билим юртига имтиҳонсиз қабул қилиниши тавсия этилди. Бу Республика бадиий ҳаётида катта ҳодиса. Ҳукуматимиз, шахсан йўлбошчимиз томонидан талантли ёшларга кўрсатилган катта ғамхўрликдир. Бадиий Академия жуда узоқни кўзлаб тузилган маскан. Авлодларимиздан қолган бой маданий меросни янада улуғлаш, бойитиш иқтидорли ёшларга, умуман, ижодкор аҳлига кўрсатилган катта ғамхўрлик деб биламиз.

Ортиқали Қозоқов ижоди таҳлилига қайтсак. Рассом унутилган қадриятларимиз, авлодлар руҳи яшириниб ётган анъаналаримизни ўз изланишларида қайта тиклаш борасида жонбозлик кўрсатмоқда. «Унутилган ҳовли», «Эски тегирмон» ва бошқа асарлари фикримиз далили. Уларда санъаткор аждодларимиз руҳини шод этмай халқ келажакка очиқ юз билан, тоза қалб, руҳий софланиш билан боқа олмайди деган ғояни илгари суради. Умуман, рассом изланишларида халқнинг анъанавий турмуш тарзи, хаёлий, юксак руҳий олами, шоирона воқеликка, борлиққа муносабати, маънавий гўзаллигини қуйлашдан толмайди. Балки бу йўналиш бутун ижодини сизиб ўтади. «Уч бахши», «Шоира ва гадо», «Опа-сингиллар», «Хилол» туркум асарларида бу йўналиш яхши ифода топганини кўрамиз.

Ижодкор доимо экстремал ҳолатларда бутун ички руҳий жисмоний хусусиятлари кескин ҳаракатга келадиган, воқелик, борлиқни — воқеа ва ҳодисалар силсиласини ичидан, бутун йўналиши ва оқими билан кўрадиган шахс. Ҳодисалар унинг руҳиятига жўшқин таъсир қилиши натижасида атрофдаги оддий киши англамаган ҳолатларни кўра олади, қалбан англайди ва шуларни ўз асарларида ифода этади. Ортиқали бу жиҳатдан ўта сезгир рассом. Унинг ранг-тасвирида воқеалар силсиласи иборали, таъсирли, муболағали талқин қилинади. Унда ўзгача бир маъно, сирли ҳолатлар, пардали жумлалар, кайфиятлар тизими зуҳур этади. Рассом шарқона хусусият ва хислатларни қалбан теран англайди. Анъанавий халқ ҳаёти рангтасвирга нақш каби сингдирилган изланишларда бўлмасин, ҳаёт ва табиат қанчалар қайтарилмас афсонавий, ғайритабиий талқинда идрок этилмасин, ҳаммаси рассомнинг ўзига хос шоирона олами. Шоироналик бу рассомлик маданиятида юксак ҳис-туйғуларни мусиқий оҳангдор қуйлаш демакдир. У декоратив ранглар тизими қурамасидан ўзига хос олам яратади. Асарлари ўзининг фрагментар тузилиши билан ажралиб туради. Бу чексиз-чегарасиз оламдан бир нарсани олиб унинг образли ҳолатини кўрсатади дегандай гап. Картиналари матонинг тўрт томонига давом этгандай таассурот туғилади. Рассом композиция танлашда, уни ечишда эмин-эркин ҳаракат қилиб, академик қонун-қоидалар таъсиридан тамоман қутулиб, тўла равишда ижодий жараёнга киради.

Қўша қориганлар

Дарвоқе, кўпгина талабалар бадиий олий ўқув юртини битиргач, ўқиш-ўрганиш давридаги қонун-қоида ёки устози, бирор йириқ рассом салоҳияти таъсиридан қутула олмай, тўла равишда ижодий жараёнга киролмай кўп вақтини беҳуда кетказади. Бу жиҳатдан ҳам Ортиқали ижодига ёндошганимизда, рассом санъат йўналишида жонбозлик кўрсатиб, изланиш, тадқиқ ва таҳлил этиш хусусиятининг кучлилиги, қайтариқлардан қочиши, тўла равишда эркин ижодий йўлга кириш-даги шижоати туфайли ўзига хос ижод йўлига чиқди. Ранглар ҳарорати дан куй яратди. Ранглар нинг такрорланмас стихиясини кашф этади. Бу хусусиятлар «Наврўз натюрморти», «Эзгуликка йўл», «Настарин», «Зийнатлар оғушида», «Зебу зийнатлар аро» ва бошқа асарларида тобора кучаймоқда.

Рассом ўтмишимиз анъанавий қадриятларини қалбига сингдирган, отабоболар руҳини шод этган ҳолда шу кунда ҳаётимизда юз бераётган янгиликларни — эволюцион ўзгаришларни ифода этишда толмайди.»Шарқ ва ғарб», «Хаёлот осмони», «Шарқона оила», «Шодлик сайли» даги эришаётган ютуқларини рассом тўлқинланиб ҳикоя қилишга интилади. Самода янги юлдуз пайдо бўлганлиги, уни атрофлича барча қирралари, хислатлари билан бутун олам таниётганлигидан рассом қалбидаги туғилган ғурур шу асарларининг лейтмотиви ҳисобланади. Рассом шу кунларда алоҳида ички кўтаринкилик, ғайрат ва ифтихор билан ижодий чўққиларни эгаллашга интилмоқда. Биз эса унга бу йўлда камолат тилаймиз.

Ортиқали Қозоқов кўргазмасида

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти «Тасвирий санъат» бўлимининг мудири

Дилбар БОНУ

ҲАМЗА МОЗИЙҲОНАСИДА

Шоир шеър ўқиган жойни кўрсатинг,
Кўрсатинг тошлардан гуллар унганин.
Шоирни соғинган ойни кўрсатинг,
Ва тағин сойларни куйлаб турганин.

Шоирни унутган сўқмоқлар қани,
Унутиб сўзласин у ҳам гунглигин.
Шоир изидаги чақмоқлар қани,
Сўйлаб турмайдими усиз мунглигин,

Қани, сўзламасми кўҳна дарахтлар, —
Неча йиллар йиғлаб баргин тўкканин.
Кўклам элчилари — майса-фарахлар
Шоир изларига мангу чўккани...

Шошиб етаклайсиз хоналар аро,
мухтасар сўзлайсиз, қисинади жон.
Ҳала нутқингиздан хўп мотамсаро
Тошларга айланиб борар Ҳамзахон.

СОҒИНҒАНДА...

Қучоғимда қизил лолаларим бор,
Этагимда тўла болаларим бор,
Юрагимда ботган нолаларим бор,
Она, соғинганда бора олмадим.

Гоҳ вақтимнинг йўғи баҳона,
Гоҳ тақдирнинг ўқи баҳона,
Гоҳ кўнглнинг тўқи баҳона,
Бир кеч бағрингизда қола олмадим.

Эркалаб ўстирган қизингизман-а,
Сиз босган тупроқда изингизман-а,
Хушрўйим, хушбўйим —исингизман-а,
Тобингиз қочганда кела қолмадим.

Сочлари оппоғим, дили оппоғим,
Кўксимга босади ҳажр пичоғин.
Оҳ, оғир экан-эй, узоқнинг доғи,
Онажон, онажон, бора олмадим.

...

Қалбим оппоқ қордай, уни янчманг,
Исмимни унчалик қаттиқ ғажманг,
Ҳеч ҳам боролмайман, мендан ранжманг,
Ғийбат бозорига менда замон йўқ.

Қумрилар ку-кулаб турибди ахир,
Гулу чечаклар қулф урибди ахир,
Оҳулар тоғларда юribди ахир,
Ғийбат бозорига менда замон йўқ.

Кийган кўйлакларим баҳордан дарак,
Юрган йўлларимда шодлик, гулдирак,
Дилшоддир Дилбарга тоза ҳар юрак,
Ғийбат бозорига менда замон йўқ.

КЎНГЛИМ

Менинг кўнглим оққан дарё,
Сени менг бор кечирган.
Тоғларга ҳам ёққан дарё,
Гулларга сув ичирган.

Менинг кўнглим синиб-синиб,
Алдовингга кўндилар.
Кўз ёшларим шимиб-шимиб,
Сен кулганда қулдилар.

Менинг кўнглим дунёдаги
Ғарибларнинг ғариби.
Титрайвериб барг сингари,
Йўлларинегда қариди.

Менинг кўнглим адашган қул,
Йўлларингни супурган.
Қафас ичра сарғайган гул,
Соғинчингни уфурган.

Менинг кўнглим оққан дарё,
Мени менг бор кечирган.
Қафас ичра сарғайган гул,
Соғинчингни уфурган.

Менинг кўнглим оққан дарё,
Сени менг бор кечирган.
Тошлар бағрин ёққан дарё
Ишқ майини ичирган...

Нодир воқеалар

Муҳаммад Авфий

ТАДБИРКОР АЁЛ

Ниҳоятда зиқна ва рашкчи бир киши бор эди. У уйланмоқ фикрига тушди. Шундан сўнг ҳовли ва уйнинг атрофларини баланд деворлар билан ўради. Токи бирор номаҳрамнинг кўзи бу ҳовлига тушмасин, шунингдек, хотини ҳовлидан чиқолмасин ва атрофга мўраламасин деб, барча тешик-туйнукларни беркитди.

Тўй бўлиб, хотин келгач, эрининг феъл-атворига чидаб, бир неча кун яшади. Ниҳоят, хотин зерика бошлади. Эри эса уйга кўни-қўшниларнинг ҳам киришига қаршилик кўрсатарди. Кунлардан бир кун хотин эрига деди:

— Нима учун мендан бунчалик хавфсирайсан ва қамоқдаги маҳбусдек муомала қиласан? Агар хотин киши бадкирдор ва бадбахт бўлмаса, у ҳеч қачон ўз эридан бошқага рағбат қилмайди. Сен менга ишон ва мени ўз ҳолимга кўй. Менинг иффатим саломат, диёнатим эса ҳар қандай фахшликдан омон сақлайди...

Эр хотинининг сўзларига парво қилмади. Аксинча, эшик-тешикларни янада маҳкамроқ беркитиб қўйди. Хотинидан шубҳаланиш янада авж олди. Хотин эса эри олдида ўз сўзининг тўғрилиги борасида далил келтириш чорасини қидира бошлади.

Хотиннинг қўшниларидан бири қари кампир бўлиб, гоҳо-гоҳо келиб, эшик тирқишидан ҳол-аҳвол сўрашиб кетар, ҳар келганда ёш хотиннинг аҳволига ачинар ва ҳамдардлик билдирарди.

Кунлардан бир кун кампир келганда, хотин унинг қўлига бир хат тутқазди ва қўшни йигитга беришни илтимос қилди. Хатда шундай дейилган эди: «Эй йигит, мен сенинг ишқингда кўпдан буён ёнаман. Ишқ савдоси мени девона қилди».

Кампир хатни қўшни йигитга етказди. Йигит хотиннинг ҳусн-жамоли ва васфини эшитиб юрган эди. Бинобарин, йигит ниҳоятда севинди ва хотиннинг эшиги олдига келиб:

— Сенинг ойдек юзингга, санобардек кадду-қоматингга жоним фидо бўлсин. Мен сенинг хизматингга тайёрман. Аммо эринг кўп ғаюр ва рашкчи, беҳиммат одамдур. Алҳол, бизнинг бир-биримизга етишмоғимиз ниҳоятда мушкулдур, — деди.

— Агар мақсадинг менга етишмоқ бўлса, у ҳолда чораси топилади.

— Қандай қилиб?

— Сен бугундан бошлаб сафарга жўнашинг ҳақида овоза тарқатасан. Бир катта сандиқни тайёрлаб қўясан. Эртага кечқурун эримнинг олдига келиб, «мен сафарга кетяпман. Мол-мулкимни бир катта сандиққа солиб қулфлаб қўйдим. Аммо сандиқни кимга топшириб кетсам экан, деб кўп ўйладим. Замон нотинч, ҳар кимга ҳам ишониб бўлмайди. Бинобарин, ушбу сандиқни то мен сафардан қайтгунимча уйингизда сақласангиз. Сафардан саломат қайтсам, албатта қайтариб оламан», деб илтимос қил. Эрим бунга албатта рози бўлади. Сен эрим билан хайрлашиб, «сандиқни эртага хизматкорим олиб келиб беради», дейсан. Эртасига ўзинг сандиққа тушиб оласан-да, хизматкорингга кўтартириб, бу ерга келасан. Ана шундан сўнг, эрим уйда бўлмаган вақтларда сандиқдан чиқиб менинг висолимдан баҳраманд бўласан.

Йигитга бу тадбир маъқул тушди. Йигит завқ-шавқнинг ҳарорати билан ишнинг оқибатини ўйлаб ҳам ўтирмади ва ишга киришди. Ўша кундан бошлаб, «фалончи сафарга жўнармиш», деган овоза тарқалди. Йигит кечқурун келиб хотиннинг эри билан хайрлашди ва сандиқни келтириб қўйиш учун ундан ижозат олди.

Шундан сўнг йигит сандиқ ичига кириб ўтирди. Хизматкор сандиқни қулфлаб, ҳаммолга кўтартириб хотиннинг уйига олиб келди. Ваъдага мувофиқ, хотиннинг эри сандиқни жойлаштириш учун жой кўрсатди. Хизматкор билан ҳаммол сандиқни кўрсатилган жойга қўйдилар. Ҳаммол кетди. Хизматкор ҳам кетиш тараддудида эди. Иттифоқо, ичкаридан хотин чиқиб келди ва сандиқни кўриб, ҳайрон бўлди ва эрига савол назари билан қаради. Эр хотинига воқеани тушунтирди.

— Сандиқнинг ичида нима бор экан? — деб сўради хотин.

— Билмайман.

— Бу ишинг ақлдан узоқдир. Бировларнинг сандиғини омонат сақлаш учун уйингга олиб кирсанг, аммо ичида нима борлигини билмасанг. Мабодо, эртага сандиқ эгаси қайтиб келиб, «сандиқ ичида, зару жавоҳирлар бор эди, топиб берасан», деса, нима жавоб қиласан?.. Қозига чақирса, қасам берса, ҳар икки ўртада хусумат вужудга келиб, бадномликни орттирасан. Яхшиси, хизматкорига буюргил, токи сандиқни очсин ва нима борлигини бизга кўрсатсин.

Хотинининг сўзи унга маъқул кўринди ва йигитнинг хизматкорини чақириб, сандиқни очишга буюрди. Хизматкор ўз хожасини сандиқ ичидалигини биларди, шунинг учун сандиқни очишга рахбати йўқ эди. Бироқ очмасликка ҳам иложи йўқ эди. Ниҳоят, сандиқ қулфини очиб қопқоғини кўтарган эди, сандиқ ичидан йигит чиқиб келди. Йигит хижолатдан тили калимага келмасди. Шунингдек, хотиннинг эри ҳам таажжубда ҳайрон эди. Хотин сўзга кирди: «Эй хожа, йигитда ҳеч гуноҳ йўқ. Бу ишларнинг ҳаммасини мен қилдим. Сен мени муҳофаза қилишда ҳаддан ташқари муболаға қилдинг. Агар хотин кишининг кўнглида софлик бўлмаса, минг ҳаракат килсанг ҳам, уни тутиб туриб бўлмайди, деб сенга бир неча марта айтдим. Сен гапимга ишонмадинг. Мана бугун ўзим кўришни талаб қилмаганимда... Аммо менинг бундан кўзлаган мақсадим ўз сўзим тўғрилигини исботлаш эди. Энди мени ўз ҳолимга кўй ва бемаъни ҳаракатлардан тийилгин».

Турғун ФАЙЗИЕВ,
таржимаси

Турмуш йўриқлари

ҚАЛБИМДАГИ АРМОН

Нигора барвақт туриб, ҳовлини, кўчаларни супурди. Нонушта тайёрлади. Синглисини чойга чақирган ҳам эдики, остонада оналари кўринди.

— Ассалому алайкум.

Онахон алик олгач, Нигорага қаради.

— Отанг, олмадилар, ўзи ишлатсин дедилар. Ма, пулингни ол. Ўзинг ишлатарсан...

Нигорани томоғига бир нарса тиқилди. Киприкларини намлаган исмсиз ички бир оғриқ, армон толиқтирган юрагини тирнагандек бўлди.

— Ойи... Сиз ола қолинг унда... Мен бу биринчи маошимни сизларга атагандим... Олинг...

— Кўй, қизим, менинг тупроғим енгил, кейин опаларинг унинг маошини нега олдилар, деб ўйлашмасин тағин.

Нигоранинг вужудини, бутун танасини ўй, айқаш-уйқаш ҳис-туйғулар чирмади. Бир каломни тилга олиш азобга айлангандек эди. Нега бундай бўлди. Нигора нимани талаб қилди ўзи? Наҳотки...

Бу дунё шундай маскан эканки, бахт ва бахтсизлик ҳамиша изма-из экан. Кимгадир толе деганлари юлдуз, куёш чиройини, иссиқлигини ато этса, кимнингдир юрагига алам ўтидан кишан ясаркан...

Нигора дунёдаги энг азизи, мўътабар ва меҳрибонидан эрта айрилди, она меҳрига бўлган ташналик мангу талпинишга айланди... Тўғри, отаси олти фарзандни оқ ювиб, оқ таради. Лекин у қанча меҳрибон бўлмасин, мурғаклар қалбини жудолик аламидан узоқлаштиролмади, тирналган яраларига онажонларидек малҳам бўлолмади.

Нигора хаёл оғушида телефоннинг кучли қўнғироғидан ўзига келди. Гўшакни олиб беихтиёр дили ёришди. Қўнғироқ қилган опаси Озода экан:

— Ҳа, Нигор... Қалайсан, яхшимисан? Айтганча, адамга маошингни бердингми? Нима бўлди? Нега индамайсан?

Нигоранинг яна хўрлиги келди:

— Олмадилар. Озода опа,яшашдан тўйдим. Яшашнинг қизиғи ҳам қолмади мен учун. Нечун дунёга келган эканман-а, — деб йиғлаб юборди. Бу тахлит маҳзун муомаладан опаси гангиб қолди. Ҳозир унга нима деб далда беришини билмас, ҳар қандай гап ҳам юрагига оғир ботишини сезиб турарди.

— Нигора, кўп куйинма. Биламан, қалб изтироблари кишини ҳар қандай оғир ишдан ҳам кўпроқ чарчатади. Ҳеч қачон тушкунликка тушмагин. Сенга ҳозир жуда ҳам қийин, таскинга муҳтожсан. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Мана, кўрасан...

...Бугун Нигора ишдан анча кеч қайтди, Отаси эшик олдига чиқиб турган экан. Нигорани кўриб юзига табассум югурди. Нигора хонасига кириб йиғлай бошлади. Ич-ичидан хўрсинди. Бир пайт тепасида ойиси турганини кўрди.

— Ҳа, Нигора, анча кеч қолдинг? Кўй, кўп ўйланиб, сиқилаверма. Ҳали сен кетганингдан кейин мен нотўғри қилганимни, ўзим хоҳламай сени ранжитганимни англадим... — деб Нигоранинг юзларидан ўпди. Шу пайт Нигора қувончдан ҳўнграб юборди. У қанча уринмасин ҳеч ўзини тўхтатолмасди. Дарвоқе, у шу сўзга ташна экан. Ўгай она оғзидан чиққан бир калима ширин сўз билан у меҳрга ташна қалбининг чанқоғи қонганини сезди.

Нигора бахт ҳам, бахтсизлик ҳам инсоннинг ўз қўлида эканлигини англаб етди. У ҳаётнинг ўз ўрнига тушиб кетишига ишонди. Фарзандлик бурчини андак бўлса-да ўтай олганидан кўнгли ўсиб, ором олди...

Муяссар ҲАСАНОВА

Тоғлар оралаб келаётган оби ҳаёт...

НИҚОБДОР ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР

Англиянинг саноат шаҳарларида велосипед миниб газдан сақланувчи ниқобларни кийиб олган кўплаб одамларни учратиш мумкин. Ниқобдор велосипедчилар анойи эмас. Улар ҳаводаги чиқинди газлардан сақланиш учун юзларига газ ниқобларини кийишга мажбур бўлишаяпти. Ахир инсон ўпкаси бозорда сотиладиган арзон матолардан эмас-да?

Англиядаги «Саломатлик нима?» (Heallth Wich?) журнали редакторининг айтишича, кўпгина мамлакатларда айниқса саноат шаҳарларида аҳвол шундай.

Аммо Англия велосипедчи йўловчилари кийган ниқоблар оддий ниқоб эмас. У фақат ҳаводаги углевод газинигина тутиб қолмай, йўлга қараётган вақтда ишончли ҳимоя воситаси вазифасини ҳам бажара олади.

Яқинда бир гуруҳ фабрика ишчилари ўзларини газдан сақловчи ўшандай ниқоблар билан таъминлашни фабрика эгаларидан талаб қилишди. Чиқиндилар орасида ишлаётганимиз етмагандай, энди кўчада ҳам чанг, ифлос ҳавони ютиб юрамизми, — деб шикоят билдиришди улар.

Айтгандай, ниқобдорлар бу ҳаво тозаловчи мосламаларга шаҳарнинг олтин асбоблари деб ном қўйишган. Қизиқ, жуда қизиқ. Бундай ҳимоя воситалари ҳозир Европанинг кўплаб мамлакатларига жуда зарур бўлмоқда.

«The Times» дан
«МТ» учун Тоҳир ШОМУРОДОВ
тайёрлади

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0271.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 21.55

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Тоҳир ШОМУРОДОВ